O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MATBUOT VAZIRLIGI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2002-yil, 6-sentyabr • № 37 (3670)

МУНАВВАР ЛАҲЗАЛАР

31 август оқшомида байрамона безатилган юртимизнинг мўътабар айёми нишонланадиган бош саҳна — Мустақиллик майдонида ўтган шодиёналар Ватанимизнинг шаҳру қишлоқларида, ватандошларимизнинг қалбу руҳиятларида давом этаётир. Зотан, озодлигимизнинг ўн бир йиллиги ҳар бир ўзбекистонлик учун энг улуғ, энг азиз байрамдир. Чунки бу кун — юзимиз ёруғ бўлган, шаъну шавкатимиз, ғуруру ифтихоримиз юксалган кундир.

Ўша оқшом байрам тантаналари бошлангандан дарак берган чорлов мусиқаси кўнгилларни мунаввар туйғуларга чулғади. Нурли кунлар шукуҳини, озод юрт истиқболини тараннум этган садолар ҳурриятимизнинг ўн бир йиллик тўйининг дебочаси эди. Севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ёзганидек:

Ҳар йилга мен ўзни
масъул сезгайман,
Йиллар шодасига бир
дур тизгайман.
Фараҳбахш кунлардан
то кўнглим тўлди,
Шодада дурларим
ўн битта бўлди!

Ҳа, она халқимиз истибдод занжиридан буткул қутулганига, бошимиздан қарамликнинг қора булутлари ариганига ўн бир йил тўлди. Ҳур авлодлар аждодлардан келаётган маданий-маънавий меросга, тенгсиз миллий қадриятларга эга бўлди. Мустақиллик майдонидаги мунаввар лаҳзаларда булар барчаси онгу шуурлардан бир йўла кечади. Баланд руҳда ўтган тўю тантаналар сурури бундай байрамларга ҳар жиҳатдан ҳақли эканимизни, бу Бизнинг Шодиёнамиз, севинч ва ифтихоримиз, дея бошни баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни баралла айтишга руҳлантиради.

Президентимиз Ислом Каримов Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги муносабати билан халқимизни қутлаб, тантанали маросимдаги табрик сўзида шундай дедилар: **"Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтади, юртимизда янги авлодлар дунёга келади, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг азалий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, тараққиётимизнинг чексиз имконият ва истиқболларини очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолади".**

Қутлуғ саналарни ғоятда муносиб нишонлашга жазм этган фидокор элимизнинг ватанпарвар фарзандлари бунёдкорлик меҳнатининг кўз қувнайдиган самараларини ана шу айёмга улашдилар — омборларимиз ғаллага тўлди, саноатимиз довруғи ошди, шаҳар-қишлоқлар тобора чирой очди, пахта пайкалларимизда эса ҳосилга ҳосил қўшилаётир. Ўзбекнинг кўкраги шундан баланд, унинг юзидан нур балқиб тургани ҳам шундан. Майдон узра жилоланган, байрам базмида заҳматкаш халқимизнинг қуёшимиздай қайноқ, булоқларимиздай тиниқ, тоғларимиз каби сарбаланд феъл-атвори, бағри кенг ва ҳалоллигини таранним этган куй-қўшиқлар, рақслар сунъий йўлдош ёрдамида дунёдаги жуда кўп мамлакатларга, "Интернет" тармоғи орқали телетўлқин етиб боролмайдиган пучмоқларга ҳам кириб борди.

Мустақиллик майдони узра Давлатимиз мадҳияси янграганда юракларда жўш урган ҳур туйғулар фахриямиз садоларига жўр бўлди. Пойтахт осмонида минг турли жилваланган рангин мушаклар мисоли ана шу туйғуларнинг авжини, ёришган кўнгиллар севинчини айни шу лаҳзаларда акс эттирарди. Бирида шўх ирмоқни, бирида азим дарё салобатини ўзига жо этган куй-қўшиқлар, рақслар байрам тантаналарига ҳайратланарли мазмун ва файз олиб кирди. Бундай чиқишларнинг мундарижаси бойлиги ҳар бир саҳнанинг номиданоқ аён кўринади: "Бола кўзи билан кўринг дунёни", "Баркамол авлод — юрт келажаги", "Ватан саждагоҳ каби муқаддас!", "Вилоятлар гулдастаси", "Санъатингга ҳамоҳанг жаҳон", "Осмон тўла юлдузлар"... Юксак мақсад ва эзгу интилишларни ўзида уйғунлаштирган қўшиқ, рақс ва мусиқий оҳангларда жаҳонга юз тутган юртимиз жамоли бадиий талқинини топди.

Юртимизнинг бош саҳнасида Истиқлолга айтилган сарафроз Ўзбекистон заминидаги барча миллату элатлар юрагидан қайнаб чиққан энг эзгу тилакларга бағоят уйғундир.

Пойтахтимизнинг бош майдонида авж пардаларда ўтган байрам тантаналари барча шаҳар ва қишлоқларида давом этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида" 2002 йил 16 апрелдаги ПФ-3052-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, сифат жиҳатидан янги мусиқий таълим тизимини яратиш, юқори малакали санъат кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа санъатининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда мазкур таълим соҳаси педагоглари, мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

кўп асрлик мусиқий меросимизни, миллий ва жаҳон мусиқа санъати тараққиётини, миллий мусиқа асбобларининг тарихини ўрганиш мақсадида бир ой муддатда Давлат консерваторияси таркибида ихтисослаштирилган Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва, ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда Илмий-тадқиқот маркази ва Мусиқа музейи низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

мусиқий таълим муассасаларини замонавий мусиқий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйиш мақсадида бир ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида ихтисослаштирилган "Мусиқа" нашриёти, босмахона ва овоз ёзиш студияси ташкил этсин;

чет элдаги мусиқа муассасаларида таълим олаётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ижодкор ёшлари вакиллари билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятида уларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш, республикада мусиқа анжуманлари ва фестивallари ўтказиш бўйича тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочилари ва санъат арбобларини, етакчи педагог-мутахассисларини консерваторияда ишлашга таклиф этиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб амалга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус маданият ва санъат ўқув юртлари концертмейстерлари ва етакчи концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида 125 нафар ўқувчига мўлжалланган Иқтидорли болалар академик лицейи ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда Иқтидорли болалар академик лицейини асбоб-анжомлар, чолғу асбоблари, техник воситалар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-норматив ҳужжатлар билан таъминлашга доир зарур тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда:

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси таркибида турли даражадаги педагог кадрлар учун малака ошириш факультети ташкил этсин ва бир ой муддатда унинг ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида таълим жараёнининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда махсус мусиқа мактаблари, мусиқа академик лицейлари ва коллежлари, шунингдек мазкур йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, шу жумладан Ўзбекистон давлат консерваторияси учун Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатлари негизида, улар фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитларини сақлаб қолган ҳолда Республика махсус мусиқа академик лицейлари ташкил этилсин. Мусиқий таълимни ва ўқитиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида, ушбу академик лицейлар негизида мавжуд бошланғич ва ўрта мактаблар (интернатлар билан бирга) сақлаб қолинсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда бир ой муддатда Республика махсус мусиқа академик лицейлари тузилмасини ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон давлат консерваториясининг ноёб бинолари мажмуи мураккаб муҳандислик коммуникацияларидан зарур даражада фойдаланишни, улар техник ҳолатининг юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Бинолардан фойдаланиш дирекцияси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Дирекция тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида ташкил этиладиган Академик лицейга 2002 йилги Давлат бюджетида белгиланган молиявий нормативлар асосида янги ўқув йилидаги жорий харажатлар учун, таълим соҳасида назарда тутилган маблағлар доирасида зарур маблағлар ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари учун 2002 йилги Давлат бюджети доирасида назарда тутилган маблағлардан 2002 йилда Давлат консерваториясини чолғу асбоблари, махсус театр жиҳозлари, ёруғлик-овоз кучайтириш аппаратлари, мебеллар, замонавий компьютер техникаси, ўқув-методик адабиётлар ва бошқалар билан таъминлаш, шунингдек чет элдан санъат соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланишга рухсат этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-тадқиқот маркази тадқиқотларининг илмий-методик йўналишларини Давлатнинг фан ва техника дастурлари рўйхатига киритсин ва 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб устувор йўналишлар бўйича Давлат бюджетида фан соҳасига назарда тутилган маблағлар доирасида грантлар ажратсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда унинг ҳузурида ташкил этиладиган Иқтидорли болалар академик лицейи ва Малака ошириш факультети учун ётоқхона биноси ажратиб, унинг реконструкция қилиниши ва жиҳозланишини таъминласин; Ўзбекистон давлат консерваториясининг эски биносига (Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй) Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежини, шунингдек Республика "Маънавият ва маърифат" марказини жойлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 сентябрь.

Икром АКБАРОВ:

МАҚОМ ЯНГИЛАНИШГА МУҲТОЖ ЭМАС

Консерваторияда ўтган мақом ҳақидаги давра суҳбатидан сўнг машҳур композитор Икром Акбаров билан суҳбатлашишни дилимга тугиб қўйгандим. Шу ниятда композитор хонадонига бордим. Икром ака пианино устида ноталарни очилиб турган шинамгина хонага мени таклиф этди. Шундай улуғ ёшда ҳам ижод билан шуғулланаётган бу тиним билмас ижодкор ҳайратимни сезди шекилли, аста гап бошлади:

— Ҳар қандай одам, айниқса, ижодкор, ёшидан қатъи назар, бир зум бўлса-да, ишдан тўхтамаслиги керак. Агар умр бўйи ақлий фаолият билан шуғулланиб келган одам бирдан ишлашдан тўхтаса, хотираси заифлашиб қолади. Шунинг учун ҳар куни маълум муддат пианино олдида шуғулланаман, бошлаган куйларимни давом эттираман.

Учрашув

— Домла, санъатга муҳаббат қондан ўтади, дейишади, шу ростми?

— Бу гапда жон бор. Чунки зиёли, санъатни тушунган ва қадрлайдиган оилада дунёга келган болалар санъат соҳасининг қайсидир йўналиши бўйича фаолият юритадилар.

Отам савдо иши билан шуғулланганлар. Мусиқага муҳаббат менга она авлоддан ўтган бўлса керак. Она авлодим анча зиёли, саводхон одамлар бўлишган. Онам ўзлари яхшигина дутор чертардилар. Афсуски, улар вафот этганларида 8-9 ёшли бола эдим. Пианино, роялни биринчи марта тоғамнинг уйида кўрганман. Ўша вақтдан бошлаб, бу созга меҳрим тушган. Мусиқачи бўлишимда эса Илёс амакимнинг (Илёс Акбаров) ҳиссалари катта. У киши менинг қизиқишимни рағбатлантириб, йўл-йўриқ кўрсатиб турганлар. Дастлаб чанг чалишни ўрганганман. Биринчи мусиқа домлам Лутфулла Ғофуров эдилар. У киши иккинчи жаҳон урушидан қайтмадилар. Олга Сергеевна Поликарпова роял бўйича устозим. У пайтларда рус тилини мутлақо билмасдим. Устозимнинг кўмагида роял чалиш билан бирга, рус тилини ҳам ўрганганман. Мактабда ҳам, педагогика билим юртида ҳам кучли домлаларда ўқиганман. Бу ҳам менинг бахтим бўлса керак.

— Дастлабки асарларингиз, Сиз билан ҳамкорлик қилган ижодкорлар ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Ленинград консерваториясини битираётганимда диплом иши сифатида биринчи катта асарим — Ҳамзага бағишланган "Шоир хотираси" симфонии поэмани ёзганман. Ундан олдин бир-икки қўшиқ ва романслар ҳам ижод қилганман, бироқ улар машққа ўхшаш нарсалар эди.

Қўшиқ яратишда шоирлар Туроб Тўла, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов билан ҳамкорлик қилганман. Шайх ака билан ҳамкорлигимиз ҳам анча самарали бўлган. У кишининг асарлари асосида "Тошкентнома" деган ораторияни ёзага келган. Домла қаттиқ касал бўлганларида Москвада эдим. "Жалолиддин Мангуберди" асарларини опера қиламан, деганимда, бошқа асар бераман — Сарбадорлар ҳақида бўлади, дегандилар. Афсуски, ваъдаларини бажаролмадилар, вафот этдилар.

1995 йили "Жалолиддин Мангуберди"га қайтдим. Бундай асарлар жуда кам бўлади. Воқеаларнинг бориши, асарнинг драматик йўналишини сақлаб қолиб, фақат сўзларини қисқартирдим. 2000 йили бу операни Алишер Навоий номидаги театрда қўйиш учун олишди. Афсуски, икки йилдан буён ҳаракатсиз ётибди. Мирсодиқ Тожиевнинг "Ўткан кунлар" операсининг тақдири ҳам шундай кечаётир.

— Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Қўламли асарни саҳнага қўйиш катта маблағ, катта куч-ғайратни талаб этади. Масалан, Эшқобил Шукурнинг "Нақшбанд" номли поэмасига реквием-ораторія ёзган эдим. Икки йилдан буён ижро этилгани йўқ. Чунки уни ижро этиш қийин, оркестр, хор керак.

Нафақат опера ва балет, балки кичик асарлар ҳам ижро этилмай ётибди. Аслида гап маблағда ҳам эмас. Очиғини айтганда, ўзи ёзиб, ўзи ижро этадиганларнинг иши юрушиб турибди. Радио-телевидение ҳам шу асосда иш олиб боряпти. Уч-тўрт йил илгари Эшқобил Шукурнинг "Ибтидо хатоси" асарини ўқиб қолдим. Қўлимда тайёр опера партитураси турарди. Шоир билан учрашиб, насрий жойларини назм билан алмаштиришни сўрадим. Кейин асарга бир актли телерадио опера ёздим. Консерваториянинг опера студияси ижро этганида (Ғани Тўлаганов дирижёрлик қилди) томошабинлар жуда яхши қабул қилдилар. Бироқ 1998 йилдан буён шу асарни радио-телевидение учун ёздиролмайман. Тўғри, "йўқ" дейишмайди, аммо баҳона кўп. Икки йил ҳаракат қилдим, ҳозир эса ташлаб қўйганман.

Ҳозир бир-икки қўшиқ ёзиб, бастакор бўлиб олишаётганлар ҳам кўп. Улар бугун нима "мода" бўлса, шунга мослаб ёзаверишади. Ўзларини шоир, қўшиқчи, бастакор дейишдан уялишмайди ҳам. Аслида бу ички маданиятнинг йўқлиги оқибатидир. Чунки санъат ва адабиётда "мода" деган тушунча бўлмаслиги керак. Ҳар қандай асар абадият учун ёзилиши, келажакка хизмат қилиши кўзда тутилиши лозим. Бу эса одамдан катта билим ва юксак маданиятни талаб этади.

Давоми иккинчи бетда

ТАҚДИМОТ

Бир неча ҳафта давомида "Тошкент" телеканалида "Ҳаёт сабоқлари: қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси" видеофилми намойиш этилди. Ҳаётимизда учраб турувчи иллатлар, тўй-ҳашамлардаги ортиқча дабдабаю керилишлар фош этилгани учун ҳам филм томошабинлар диққатини тортди.

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида ижодкорлар ва актёрлар иштирокида мазкур филм биринчи фаслининг тақдимоти бўлди. Марат Асадуллаев ва Неъмат Саидхонов сценарийлари асосида суратга олинаётган видеофилмга Ҳамид Қаҳрамонов режиссёрлик қилган. Бош ролларни халқимизнинг севимли актёрлари Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Теша Мўминов, Саида Раметова ва бошқалар ижро этганлар.

Филм намойишидан сўнг у ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилди, илиқ фикрлар билан бирга, танқидлар ҳам айтилди, турли таклифлар ўртага ташланди.

Яқин кунларда филмнинг кейинги фасллари суратга олиниб, телетомошабинларга тақдим этилади.

МАВСУМ БОШЛАНДИ

Ҳар йилги анъанага кўра мувофиқ театр мавсуми очилиши олдидан марҳум санъат усталари хотираси ёд этилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. 2 сентябр куни "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори Омон Ризаев раҳбарлигида пойтахт театрларининг вакиллари фаробий кўчасидаги қабристонга бордилар. Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Раззоқ Ҳамроев, Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Мукаррам Турғунбоева... Бу маконда ўзбек маданияти равнақи йўлида умрини бахшида этган қанчадан-қанча алломаларимиз, санъаткорларимиз абадият билан юзлашиб ётибдилар. Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонига биноан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган мусиқа ҳамда театр санъатининг улкан намояндалари Тўхтасин Жалилов ва Олим Хўҳаевнинг қабрлари ҳам шу ерда. Уларнинг қабрларига гуллар қўйилиб, Қуръон тиловати қилинди.

Шу куни оқшомда Ўзбек Миллий академик драмма театри ўзининг навбатдаги мавсумини бошлади. Томошабинлар эътиборига шоир ва драматург Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл" спектакли ҳавола этилди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Валижон Умаров саҳнага қўйган.

АРЗИМИЗНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Шикоят

Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб кишининг дили яйрайди, кўзи қувонади. Айниқса, пойтахтимиз кун сайин кўркамлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда қисқа муддатда юзлаб осмонўпар маданий-маиший бинолар, бир-биридан чиройли турар жой иншоотлари, кенг ва равон кўчалар, кўприклар қуриб битказилди. Булар яхши, албатта. Аммо шаҳримизнинг чекка туманларида шундай жойлар борки, уларни кўрганингда қўйлинг ғаш бўлади.

Биз Собир Раҳимов туманининг Мухбир кўчасида яшаймиз. Уч-тўрт йил бурун уйларимиз орқасидаги жарликда доимий ёмғирлар натижасида катта кўлмак ҳосил бўлган эди. Жарликдан сув оқмаслиги туфайли унинг сатҳи йилдан-йилга кўтарилиб, шу кўчада яшовчиларнинг ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Энг ёмони кўлнинг атрофи турли чиқиндилар ташланадиган жойга айланган. Бу ердаги гигиеник аҳвол кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда. Ҳатто айрим уй ҳайвонлари ҳам шу сувдан ичиб нобуд бўляпти. Маҳалламиздаги "Нилуфар" болалар боғчаси эса шу кўлдан чиққан каламушлар билан тўлиб кетган. Натижада ҳеч ким боласини боғчага бермай қўйди. Хуллас, маҳаллада шу кўл сабаб турли муаммолар туғилмоқда.

Биз бир неча маротаба Тошкент шаҳар ва Собир Раҳимов туман ҳокимлигига, тегишли идораларга мурожаат этдик. Лекин муаммони бартараф этиш юзасидан бирор ёрдам бўлмади.

Ҳурматли таҳририят!

Мактубимизни газетада эълон қилиб, мутасаддиларни яна бир бор бизнинг кўчадаги аҳволдан бохабар қилсангиз. Зора, улар инсофга келиб, юқоридаги муаммони ҳал этиш учун ёрдам қўлларини чўзишса.

Мухбир кўчасида яшовчи аҳоли номидан: Г.ЎРИНБОЕВА, Д.ЗУЛФИҚОРОВА ва бошқалар.

ҲАЁ ЛИБОСИ

Қуюнчак газетахондан хат

Бекатда автобус кутиб тургандим. Бехосдан иккита йигит-қизнинг қучоқлашиб турганига кўзим тушди. Энг ачинарлиси, улар миллатдошларим — ўзбеклар эди. Қизнинг ярим яланғоч кийинганини кўриб, тўғриси уялиб кетдим...

Негадир, кейинги пайтларда бундай ҳолатларга бепарво қарашга кўникиб қолдик. Шунинг учун бўлса керак, кундан-кунга беҳаёларча кийинадиган қизларимиз кўпайиб бормоқда.

Яқинда бир гуруҳ қизлар билан суҳбатлашиб қолдим. Гап айланиб, ҳозирги қизларнинг қандай кийиниши ҳақидаги мавзуга кўчди. Шу ерда бир қизнинг гапини эшитиб ҳайрон бўлдим. Унинг айтишича, ота-оналарини норози қилмай ҳозирги модага мос кийинишнинг осон йўли бор экан. Уйидан ўзбекона, узун кўйлакларни кийиб чиққан қиз, дугонасиникида уни замонавий кийимларга алмаштириб оларкан. Унинг бу гапини эшитиб, ҳеч нарсадан бехабар ота-онасига ачиндим. Қизининг уйидаги юриш-туриши, кийинишидан кўнгли тўлиб юрган ота-она фарзандини кўча-кўйда ярим-яланғоч ҳолда кўриб қолса, қандай аҳволга тушаркин?! Қизнинг гапига қараганда, у модага мос кийиниш, қолаверса, дугоналаридан ажралиб қолмаслик учун шундай қиларкан. Бу гапларни эшитиб ҳайронлар қоласан ... Наҳотки, тор шим кийиб, бели очиқ кийимда юриш мода бўлса? Ахир Зебуннисою Нодирадек момоларимиз ўзларининг ибо-ҳаёси, кийиниш маданияти, дид-фаросати билан тилга тушган-ку. Халқ бу аёлларни билимдонлиги учун юз чандон иззат қилса, уларнинг ҳаёси ва ибоси, маданият билан аёлларга хос кийиниши учун минг чандон ҳурмат қилган.

Кийиниш қиз боланинг дид-фаросати, маданияти қай даражада эканлигини кўрсатувчи ўзига хос кўзгудир. Шундай экан, миллий руҳиятимиз, ахлоқ-одобимизга тўғри келмайдиган кийимларни кийиш маданиятсизлик эканлигини унутмайлик.

Нилуфар ЖАББОРОВА

БИЛДИРИШ

Шу йил 6 сентябр, жума куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида драматург Жўра Маҳмуднинг замонавий мавзудаги "Берк кўча ёки тирмизаклар" деб номланган янги саҳна асарининг қўлёзмаси ўқиладиди ва муҳокама қилинади. Муҳокамани драматургия кенгаши раиси Эркин Самандар бошқариб боради.

Барча қизиқ-қанлар таклиф этилади.

Манзилимиз: Мустақиллик майдони, Ж.Неру кўчаси, 1-уй.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

ШАҲИДЛАР ЁДИ

Чора истаб жанг майдонидан
Самоларга учди унларинг,
Шаҳидларнинг қирмиз қонидан
Алвон бўлди қора тунларинг...

Бу мисралар олтмишинчи йиллари ёзилган. Ва ўшандаёқ Ватан озодлиги учун жонини қурбон қилганлар руҳига ёднома бўлиб жаранглаган эди. Биз — ўша йиллар-нинг талабалари халқ шоирининг шу мисралари боис озодлик қурбонларининг пок эътиқодлари моҳиятини, улар нега қатағонга учрагани сабабларини англаганмиз.

Ҳар гал Юнусободдан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилига етганда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлигини зиёрат этганда шоирнинг ушбу мисралари қайта-қайта ёдга келади. Ўттиз еттинчи йилнинг мудҳиш воқеаларини эслаймиз.

Куни кеча бу манзилда яна бир ёдгорлик — "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи очилди. Шу куни эрта тонгда зиёратгоҳда Ватан озодлиги учун шаҳид кетган юртдошларимиз хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди. Истиқлол йиллари таомилга айланган бу хайрли анъананинг иштирокчиси сифатида кўнглимиз равшан тортиб, Юртбошимизнинг кўп хайрли ташаббуслари моҳиятини мушоҳада этдик. Мустақиллик эълон қилинган қутлуғ кун "Қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш куни" деб белгиланишида эзгу рамзийлик бор. Айни шу куни Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган ота-боболаримиз хотирасини ёд этишда ҳикмат кўп. Ўзбекистоннинг мустақиллиги уларнинг қутлуғ орзуси, пок эътиқоди эди. Улар етмаган нурли манзилларга етишган авлодлар озодлик йўли осон кечмаганини, бу йўлда тўкилган қонларни, умри хазон бўлган шаҳидлар хотирасини бир лаҳза бўлсин унутмаслиги зарур. Зотан, тўқсон биринчи йилнинг ўттиз биринчи августида эълон қилинган мустақиллиқнинг моҳиятини, қадрини ана шунда чуқур англаймиз.

Маросимда юртимизнинг турли сарҳадларидан келган оқсоқоллар, қатағон тарзда қуриб битирдилар. Президентимиз ғоят қисқа муддатда шундай савоб ишни амалга оширган қурувчилар ва усталарга ўз миннатдорлигини билдирди. Халқ хотирасининг муқаддас ва унутилмас саҳифаларини ўрганиш, қадрлаш ва ёдда тутиш, бугунги авлод тарқоқлик ва ўзаро низолар қандай аянчли оқибатларга олиб келишини ҳис этиб яшаши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Музей экспонатларини ҳаяжонсиз кўриш қийин. Зеро, уларнинг ҳар бири тирик тарих. Мана, қулоқлаштириш даври манзаралари. Миллий қатағон қурбони шоир Чўлпоннинг буюмлари: севимли дутори ва бошқа ашёлар. Мақсуд Шайхзоданинг ёзув машинкаси, радиоприёмниги ва ҳоказолар. Бу буюмлар олдидан хотиржам ўтиб кетолмайсиз. Уларнинг ҳар бири машъум сиёсат қирдикорлари ҳақида сўзлайди, қатағон даврининг мудҳиш сиёсатини инкор этиб бўлмас ҳужжатлар тили билан фош этади. Айниқса, пахта даласидаги аёллар, ўқувчи болалар устидан зоҳри қотил — бутифос сочаётган самолёт сурати олдида бир зум тўхтаб қоласиз. "Ўзбеклар иши" дея бутун бир халққа нисбатан қилинган туҳматлар, зуғумларни, қамоқхоналарда оламдан ўтган, отувга ҳукм қилинганлар ва уларнинг болалари, оиласи тортган аламларни тарих ҳеч қачон кечирмайди. Суд ҳужжатлари, ашёлар, фотоҳужжатлар орқали гавдалантирилган яқин ўтмиш манзаралари мустабид тузумнинг халққа қарши олиб борган сиёсатига муқаррар айбномадир.

Ҳужжатлар қошида кўзда ёш билан турган, қатағон жабру жафоларини ўз бошидан кечирган одамларнинг фарзандлари, аёлларини ҳам кўриш мумкин эди. Ҳақиқатни юзага чиқарган Истиқлолимиздан шукроналик туйғуларини сўз билан ифодалаш қийин. Шу жойда "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси, таниқли адабиётшунос олим Наим Каримовни учратдик.



— Музей экспонатлари янада бойиб боради, — дейди у. — Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб айтганларидек, Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик сиёсати XYII асрда, яъни Пётр давридаёқ рўй берган эди. Эндиликда ана шу хуружларнинг бошланиши, қатағон-қирғинлар ва унга олиб келган сабабларни ҳам кенгроқ қамраб олиш ниятидамиз.

«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ўз эшикларини очганига, мана, олти кун бўлди. Бу даргоҳ одамлар билан гавжум. Юртдошларимиз Ватан озодлиги учун жонларини фидо этган улуғ оталаримизни эслаб, уларнинг руҳларини шод этмоқдалар.

М. АБДУЛЛАЕВ

МАҚОМ ЯНГИЛАНИШГА МУҲТОЖ ЭМАС

Боши биринчи бетда

Шу маънода мен Ботир Зокиров шахсини ва ижодини қадрлайман. У фақат қўшиқчиликни эмас, жуда кўп соҳаларни пухта биларди. Ундаги ислануvчанлик, меҳнаткашлик, зукколик ҳамиша мени ҳайратга соларди. Умуман, мен бирга ишлаган одамларнинг аксарияти юксак фикрли, билимли кишилар эди. Уларда ҳақиқий ижодкор омма ортидан эргашиши керак эмас, балки ҳалқни ўз ортидан эргаштира билиши керак, деган ақида ижодий мезон бўлган. Тўхтасин Жалилов, Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматов, Муҳаммаджон Мирзаев каби бастакорлар билимдон, талабчан, маданиятли одамлар эдилар.

— Шу ўринда композитор ва бастакор атамаларига тўхталсангиз.

— Композитор операдан бошлаб ашулагача ёза оладиган, профессионал ижодкор. Биз бир вақтлар фақат ўзбекча куй ёзадиганларни бастакор дердик. Ҳар ҳолда, шундай ёндошсак тўғри бўлар, деб ўйлайман.

— Ҳозир аралаш оҳанглар асосига қурилган куйлар кўпайиб кетди. Чинакам, асл миллий куй-қўшиқни қандай тушунасиз?

— Турли миллат куйларини аралаштириб, пала-партиш асарлар ёзиш савияси пастликдан келиб чиқади. Ўзининг айтадиган гапи бўлмаганидан кейин у ер-бу ердан олиб, бир нарса яратади. Кимнинг асари оммалашган бўлса, ўшанга тақлид қилади. Бу билан маданиятсизликларини билдириб қўйишади. Ахир, Мутал Бурҳонов Энмарк Солиҳов каби композиторлар, юқорида номлари келтирилган бастакорлар бундай асарлар ёзмаганлар-ку!

Пётр Чайковскийнинг оҳангларида русча интонация кам. Чингиз Айтматов рус тилида ёзади. Лекин улар ўз миллати шаънини юқори кўтарган ҳақиқий ижодкорлар. Чунки уларнинг асарлари замирида миллий руҳ кучли. Агар ижодкорнинг табиатида, қалбида ҳақиқий миллий руҳ яшамас экан, у ҳеч қачон миллий ижодкор бўлолмайди.

Ҳозир бутун дунёда, жумладан, бизда ҳам фақат эстрадада эмас, умуман қўшиқчиликда "шоу-бизнес" деган тушунча биринчи ўринга чиқди. Бунда асосий нарса руҳий таъсир ҳисобланади. Ҳар қандай куй учта асосий компонент — оҳанг, ритм, гармониядан ташкил топади. Ҳозирги ёшларимиз ҳам, айрим "ижодкорлар" ҳам фақат ритмнинг қули бўлиб қолишган. Биз битта қўшиқ ёзсак нақароти уч марта айтиларди. Ҳозирги қўшиқларда бир хил сўзлар 20-24 марталаб такрорланади. Бу эса, шубҳасиз, онгга таъсир қилиб, уни заҳарлайди. Бир сўз билан айтганда, ижрочи ҳам, тингловчи ҳам бачканаликнинг қули бўлиб қоляпти. Шу ўринда "Бачканалик билан жиноятнинг ораси бир қадам" деган иборани ёдга олсак, ёмон бўлмасди. Зеро, санъат ва адабиётнинг асосий вазифаси маънавиятни юксалтиришга хизмат қилишдан иборатдир.

— Икром ака, кейинги вақтларда ёшларимиз мақом ашулаларини эстрада йўлида ижро этиш борасида ҳам изланишлар олиб боришмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу борада ҳар хил қарашлар мавжуд. Шахсан ўзим бунга қаршиман. Чунки мақом ҳам, халқ мусиқаларимиз ҳам бир овозли усулда ёзилган. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъана бу. Анъанани эса бузиш керак эмас. Умуман, мақом янгиланишга муҳтож эмас. Уни ўзи қандай бўлса, шундайлигича тинглаган маъқул. Мен ўзим халқ куйлари асосида "Наврўз" номли балет ёзганман. Шунда ҳам ҳақиқий халқ оҳангини сақлаб қолишга ҳаракат қилганман.

Агар эстрадага мосланган мақом ва халқ қўшиқларини ўзбек миллий мусиқасидан бехабар ёшлар тингласа, уларни ҳақиқий деб қабул қилиши мумкин. Шунинг учун санъат асарининг бузилган нусхасини тингловчига тақдим қилмаслик керак, деб ўйлайман.

— Ҳозир хонандаларимиз сўзнинг матнига эътибор бермай, фақат эркаклар ёки фақат аёллар айтиши лозим бўлган қўшиқларни аралаш куйлайверадилар. Сизнингча, бу тўғрими?

— Албатта, бу ўринда қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Чунки овоз имкониятлари кўтарса, баъзан аёл хонандалар эркаклардан ҳам ўтказиб куйлай олади. Аёл хонандалар ичида Берта Давидова мақомни кучли билади ва маромига етказиб куйлайди. Агар шундай бўлса яхши. Лекин, хонандалар қўшиқ матнига жиддий қарашлари, жинсларига мос бўлмаган қўшиқни иложи борича айтмаганлари маъқул.

— Устоз-шогирдлик анъанаси ҳақида нима дейсиз?

— Азал-азалдан ҳар бир хонанда, созанда ва бастакорнинг ўз устози бўлган. Бугун, очиғи, ҳақиқий устоз-шогирдлик анъанаси зарур даражада давом этмаяпти. Тақлидчилар кўп. Бир мавзуда яхши қўшиқ чиқиб, оммалашиб қолса, "болалаб" кетади. Радио-телевидениеда кундакунора бериладиган "Онажон", "Отажон", "Болажон" сингари қўшиқларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу каби азиз сўзларни майдалаштириб, бачканалаштириб бўлмайди. Кишиларни йиғлатиб завқ олишни, манфаат кўришни ўйлаш ҳақиқий ижодкорнинг иши эмас. Шундай асарларнинг оммалашишида, шубҳасиз, радио-телевидениенинг ҳам ўрни бор. Саёз ижролар ҳамиша бўлган. Лекин Бадиий кенгашлар бундай асарларни эфирга яқинлаштирмаслиги керак.

— Бугунги ёш композиторларимиз ижоди ҳақида қандай фикрдасиз?

— Консерваторияда уч-тўрт йил давлат имтиҳон комиссияси таркибида ишладим. Ўшанда бир неча яхши битирувчилар чиққанди. Лекин ҳозир уларнинг кўплари кўринмайди. Масалан, Нуриддин Ғиёсов деган жуда талантли йигит бор, яхши асарлар муаллифи. Афсуски, ҳозир бошқа соҳага ўтиб кетди. Алишер Расулов кўпгина жиддий асарлари билан эътиборга тушган. Ҳозир кўпроқ эстрада жанрида ижод қиляпти. Анвар Эргашев жуда яхши композитор. Куни кеча Президентимиз Фармони билан унга "Ўзбекистон санъат арбоби" унвони берилганини эшитиб жуда қувондим. Биз буларга ўхшаган ижодкорларнинг қадрига етишимиз керак. Опера, балет, симфония, оратория, кантаталар ҳам маданиятимиз бойлиги. Улар миллатимиз салоҳиятини жаҳонга кўз-кўз қиладиган асарлардир. Шунинг учун ҳам бундай асарларни ёзадиган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш зарур. Ҳозир бизда санъатга ҳомийлик қиладиган, унинг қадрига етадиган меценатлар керак. Масалан, Россияда Морозов деган катта бойнинг хусусий опера театри бўлган, Дяглов деган одам рус мусиқа маданиятини бутун дунёга танитган.

Мен бизнинг юртимизда ҳам ана шундай одамлар етишиб чиқишини орзу қиламан.

— Ҳозир қандай асарлар устида ишлаяпсиз?

— Муқимий номидаги театрда қўйилган "Қонли тўй" мусиқали асарига ёзилган куйларимни тўплаб, бир актли балет қилмоқчиман. Шунингдек, илгари "Почта", "Шакунтала" каби спектакларга ёзилган асарларимни қайта ишлаб, бир актли балет яратиш устида иш бошлаганман. Хуллас, Оллоҳ умр берса, режаларим кўп..

Гулчеҳра УМАРОВА суҳбатлашди

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ:

муаммо қандай ҳал этилади?

*** Транспорт — шаҳарнинг қон томири.**
*** Йўл ҳақини ким белгилайди?**
*** Хизмат кўрсатувчининг ҳам мажбурияти борми?**

Шаҳар катталашиб боргани сайин, унинг ташвишлари ҳам ортиб боради. Тошкент Ўрта Осиёдаги энг йирик шаҳар. Унда, расмий маълумотларга кўра, икки миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилсада, келиб-кетувчи меҳмонларни ҳам қўшиб ҳисобласак, бир кунда уч миллионга яқин аҳолига турли хизматлар кўрсатилади. Айниқса, аҳолини транспорт билан таъминлаш, унинг узлуксиз ҳаракатини доимий назорат қилиш осон эмас. Бекорга транспортни шаҳарнинг қон томири дейишмайди.

Эсингизда бўлса, Тошкентда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш муаммоси бундан беш-олти йил бурун давлат миқёсида кўрилган ва муҳокама этилган эди. Шахсан мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов соҳадаги қолоқликни жиддий танқид қилганди. Юртбошимиз ташаббуси билан четдан "Мерседес" автобуслари келтирилди. Қулай ва тез юрадиган бу чиройли автобуслар тезда эски автобуслар ўрнини эгаллади ва ҳамшаҳарларимизга ёқиб қолди. Улар бугун ҳам жуда самарали хизмат кўрсатаяпти.

Ҳарқалай, юксак минбардан айтилган танқид таъсир қилган бўлса керак. "Мерседес" автобуслари келтирилган дастлабки йилларда шаҳар транспорти хизмати анча яхшиланди.

Мана, шундан буён орадан анча йиллар ўтди. Хўш, шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатишнинг бугунги аҳволи қандай? Ундан ҳамшаҳарларимиз мамнунми? Биз айрим мисоллар таҳлили орқали бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бир куни "Олимпия" меҳмонхонаси ёнида 20 маршрут бўйича юрадиган троллейбусни кутиб қолдик. Беш минут ўтди, ўн минут ўтди... йигирма, ўттиз.... шу орада бошқа маршрутларда қатновчи троллейбуслар уч-тўрт мартта келиб кетди. Тоқатимиз тоқ бўлиб диспетчернинг ҳузурига кирдик. Бир кекса киши ўша куни навбатчилик қилаётган экан. У юзимга тикилиб турди-да бу маршрутни кутиш бефойда эканлигини айтди.

— Маршрутга одатда битта ёки иккита троллейбус чиқади, — деди отахон. — Масофа қанча узоқ эканлигини ўзларингиз кўриб турибсизлар: шу ердан Шимолий вокзалгача. Одамларни овора қилиб юрмасдан бу маршрутни тўхтатиб қўйса ҳам бўларди.

Диспетчернинг гапига қўйидагича қўшимча қилмоқчимиз, номигагина юрадиган бундай маршрутлар кимга керак? 20-маршрутли троллейбусни бекатларда соатлаб кутаётган йўловчиларнинг бекор кетган вақти ва асаб бузилишларининг товонини ким тўлайди?

Рустам ака йигирма йилга яқин троллейбус бошқарган. Ҳозир республика ўлатга қарши станциясида қоровуллик қилади.

— Троллейбус ҳайдаганингизда қанча маош олардингизу, қоровулликда ойлик қанча? Нега касбни ўзгартирдингиз? — сўраймиз ундан.

— Албатта, ҳайдовчиликда ҳозиргидан тўрт-беш баравар кўп пул топардим, — дейди у. — Аммо кейинги пайтларда иш анча мураккаблашиб кетди. Троллейбус йўлларидаги симлар деярли яроқсиз ҳолга келган. Бурилишларда илгари автоматик тарзда бурилиш мумкин эди. Ҳозир эса... Албатта, ўзинг билан битта ёрдамчи олиб юришинг керак. Бўлмаса йўлда қолиб кетишинг ҳеч гап эмас. Симларнинг яроқсиз ҳолга келганидан маршрутнинг бошидан охиригача ўн беш йигирма марта троллейбуснинг "шохи" чиқиб кетади. Бечора йўловчилар ҳам бунга кўникиб қолишди. Энг ёмони, ёрдамчилик қилаётган йигитлар чорраҳаларда троллейбуснинг орқасига осилиб "шох"ни тартибга солиб юради. Баъзан йиқилиб кетиши, майиб-мажруҳ бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳатто серқатнов чорраҳаларда йиқилиб, бошқа бир транспорт тагида қолиб кетиши ҳам мумкин. Борди-ю, шундай фалокат рўй берса ким жавоб беради? Сўзсиз — ҳайдовчи. Шунинг учун оч қорним, тинч қулоғим, дея ишдан бўшаб кетдим.

Рустам аканинг гаплари ҳақиқатлиги исбот талаб қилмайди. Бу ҳолат ҳар куни кўз ўнгимизда рўй бериб турибди. Битта троллейбус кетидан икки-уч киши овора. Бири транспортни бошқаради, иккинчиси йўл пули йиғади, учинчиси троллейбус орқасига осилиб, чиқиб кетган "шох"ни тўғрилаш билан овора. Лекин шундай ачинарли ҳолдан, троллейбуслар йўлларидаги симлар яроқсиз ҳолга келиб қолганидан шаҳар транспортига масъул шахсларнинг мутлақо бехабарлиги кишини лол қолдиради. Бўлмаса, қандайдир чоралар излашган бўларди. Ёки уларнинг кўзи очилиши учун албатта бирор фалокат рўй бериши керакми?

"Тошшаҳарйўловчитранс"дан олинган маълумотларга қараганда, уюшманинг энергия хўжалиги 296,04 км узунликдаги трамвай, 394,92 км. узунликдаги троллейбус уланиш тармоғига хизмат кўрсатади. Ишлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда, эскириб ингичкалашган симлар алмаштирилмоқда. Троллейбус уланиш тармоғида 87 та электрострелкалар бўлиб, шундан 33 таси таъмирланган. Қизиқ. Унда нега одамлар троллейбуслар хизматидан норози. Шу йил кўкламда Тошкент педагогика университети олдидаги троллейбус линиясининг 50-60 метр жойида салкам бир ой ток бўлмади. Ҳайдовчилар троллейбус тезлигини ошириш ҳисобига, баъзан йўл қоидасини бузиб бўлса ҳам, шу ердан ўтиб юришди. Махсус хизмат бор экан, нега улар бундай жойларни тезда таъмирламайди?

— Чилонзорнинг Ал-Хоразмий мавзеида яшайман, — дейди таҳририятимизга ёзган мактубида Неъмат Эшбоев. — Ҳар куни ишдан қайта туриб транспорт муаммосига дуч келаман. Аввало, соат ўн саккиздан сўнг негадир "Чилонзор" метроси устидан ўтувчи 69-автобус ва 19-троллейбус жуда камайиб қолади. Иккинчидан, улар метро устида 20-25 минут, баъзан ярим соатлаб одам йиғади. Энди куннинг иссиғида автобусга чиқиб олган одамларнинг аҳволини кўраверинг. Ҳайдовчилар эса илтимос қилсангиз ҳам, бақирсангиз ҳам қулоғини кар қилиб ўтираверади. Гўё автобусда одамлар эмас, бешолти қоп картошка ёки пиёз олиб кетаётгандек. Бу кетишда бир куни йўловчиларнинг ҳам тоқати тоқ бўлиб ҳайдовчига қўл кўтаришгача бориши аниқ. Бу ҳолдан "Тошйўловчитранс"дагилар ҳам хабардор бўлишса керак. Мен ўзим бир неча марта уларга телефон орқали хабар берганман. Лекин раҳбарларнинг парвойи палак. Чунки ўзлари ишга шаҳар транспортида қатнамайди-да.

Йўловчи Неъмат Эшбоев хатидаги далилларни текшириш мақсадида биз Чилонзор метроси устида юқорида тилга олинган автобус ва троллейбуслар қатнови билан қизиқдик. Соат 17 дан сўнг кичгинагина бекатчага шунчалик кўп транспорт йиғиладики, гўё автобус паркини эслатади. Автобуслар бир-бирига тинимсиз сигнал бериб асабингизга тегади. Бу ҳам камлик қилгандек, бозорчилар йўлнинг устигача чиқиб кетишган. Лекин ҳеч кимнинг ҳеч нарса билан иши йўқ. 19-троллейбус 40 минутда битта келади. 69-автобус ҳам ундан яхши қатнаётгани йўқ.

"Бунинг сабаби автобус ёки троллейбус камлигида эмас, — дейди бизнинг мақсадимизни билган Тошкент педагогика университети профессори Ҳакимжон Каримов. — Анави қаторлашиб турган "Отайўл"ларни кўраяпсизларми? Уларнинг ҳаммаси "Ал-Хоразмий" мавзеига боради. Йўл ҳақи 150 сўм. Шу автобусларга одамлар кўпроқ чиқсин деб, кечқурун 69-автобус ва 19-троллейбус атайин камайтирилади. Ҳозир ким кўп — ойлик чиптаси борлар кўп. Улар ҳам ўн-ўн беш дақиқа автобусни кутади. Келмагач, охири тоқати тоқ бўлиб, маршрут таксига чиқишга мажбур бўлади.

Ўйлаб қарасангиз, профессорнинг гапида жон бор. Бўлмаса, нега, айнан одамлар ишдан чиққан пайтда маршрутдаги автобус ва троллейбус камайиб қолади.

Автобусларнинг метро устида соатлаб туриб одам йиғиши, фақат "Чилонзор" метросида эмас, "Чкалов", "Буюк Ипак йўли", "Беруний" метроларида ҳам доимий учраб турадиган ҳол экан. Биров пишагини пишт демагандан сўнг ҳайдовчи билганини қилади-да!

— "Чилонзор", "Буюк Ипак йўли", "Беруний", "Чкалов" метро бекатлари устидаги бекатларда автобусларнинг керагидан кўп туриб қолиш ҳоллари шу автобус ҳайдовчиларининг қоидабузарликлари оқибатидир. Бу масала доимо бизнинг назоратимизда турибди. Уюшманинг транспорт хизмати сифатини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси томонидан бундай ҳайдовчилар аниқланиб, далолатнома тузилиб, қоидабузарларга маъмурий жазо қўлланилмоқда; — деб ёзади таҳририятимизга йўллаган расмий хатида уюшма бошқаруви раисининг ўринбосари М.Мирқосимов.

Майли, масъул раҳбарнинг гапига ишонайлик. Нега унда бундай ҳоллар камайиш ўрнига кўпайиб бораяпти? Агар кўп тўхтагани учун жазоланадиган бўлса, метро устидаги бекатлардан ўтувчи барча йўналиш ҳайдовчилари жазоланиши керак. Чунки улар учун 15-20 минут тўхтаб туриш одатий ҳолга айланган. Улар жазо олганда, жарима тўлаганда бундай қилмаган бўларди. Умуман, наҳотки, шундай оддий камчиликни тугатиш, ҳайдовчиларни тартибга чақириш шунчалик қийин бўлса? Қачонгача йўловчиларнинг асабига тегадиган бу ҳолат давом этади?

Ҳайдовчилар билан гаплашсангиз, кунлик пул топшириш режаси катталигидан нолишади. Яна улар автокорхоналарда эҳтиёт қисмлар йўқлигини, машиналари бузилиб қолса, ўзларининг ҳисобидан таъмир қилишини айтишади. Лекин йўл ҳақи ошганда негадир ёнилғи мойлаш ва автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари қимматлашгани рўкач қилинади. Кимга ишониш керак: ҳайдовчиларгами ёки "Тошшаҳарйўловчитранс" раҳбарларигами? Умуман йўл ҳақини ким белгилайди, у нимадан келиб чиққан ҳолда белгиланиши керак? Кейинги бир йилда мамлакатимизда ойлик маошлар 70 фоизга оширилган ҳолда, йўл ҳақи 40 сўмдан 80 сўмга чиқди.

Молия вазирлиги қошидаги Монополияга қарши қўмитадагилар нега буни ҳисобга олишмаяпти.

"Чилонзор" метросидан юқорида тилга олинган "Ал-Хоразмий" мавзесигача бўлган масофа тўрт, тўрт ярим километрни ташкил этади. Шу қисқа йўл ўртасида 5- ва 34- йўналишлар бўйича "Отайўл" автобуслари қатнайди. Йўл ҳақи 150 сўм. Ваҳоланки, у манзилга етгунча маршрутдаги автобусга қараганда икки баравар кўп тўхтайди. Чунки уни хоҳлаган одам, хоҳлаган жойида тўхтатиб чиқиши ва тушиши мумкин. Хўш, бу нарх нимадан келиб чиқиб белгиланган.

"Тошшаҳарйўловчитранс" мутасаддилари билан суҳбатлашсангиз, шаҳар транспорти ўзини оқламаслигини, автобуслар таъмирталаблигини, янгиларини сотиб олишга маблағ йўқлигини рўкач қилишади. Аслида мамлакат бўйича йўл ҳақи қиммат шаҳар Тошкент ҳисобланади. Нега бошқа шаҳарларда йўл ҳақи нисбатан арзон бўлса-да, Тошкентда қиммат?

Масалан, Бухорода автобус чиптаси 60 сўм, "Отайўл" русумли йўналиш таксилари 75 сўм, троллейбус 60 сўм, Самарқандда автобусда йўл ҳақи 60 сўм, "Дамас", "Отайўл"да йўловчи тащиш 100 сўм. Нукус шаҳрида эса йўналиш автобуслари хизмати 65 сўм, троллейбус 30 сўм, "Дамас" таксилари чиптаси 75 сўмни ташкил қилади. Шаҳарда айрим автобус йўналишлари тендр асосида хусусий тармоққа сотилгандан сўнг йўловчиларга хизмат кўрсатиш яна ҳам яхшиланди. Самарқанддаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш аҳволини ҳам бемалол пойтахт учун намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Урганч шаҳри бўйлаб йўналишларда 43та "Отайўл" русумли таксилар қатнайди. Чиптаси автобусники билан тенг-60 сўм. Фарғона шаҳрида автобус 50 сўм, троллейбус 30 сўм, йўналиш таксилари — "Дамас" 100 сўм, РАФ 75 сўм. Йўловчилар ўриндиқда ўтирган ҳолда манзилга етиб олади. Бу хизмат кўрсатиш маданияти жуда илгарилаб кетди, дегани эмас, албатта. Аммо транспорт хизматида хусусий тармоқ кўпайиши йўловчи учун фойдали эканлигининг бир исботи. Бухорода хусусий транспорт эгаси давлатга ойига 18 минг сўм тўлаб йўловчи ташиш ҳуқуқини берадиган патент олади. 18 минг сўмлик патент аҳоли сийрак жойлашган вилоят шаҳарлари учун нормал ҳолат. Бу ерда ҳам давлат ютади, яъни солиқ вақтида тўланади. Хусусий тадбиркор эса ўз манфаатини ўйлаб ишини сифатли ташкил қилади. Йўловчига ўз-ўзидан қулайлик пайдо бўлади.

Тошкентда умум транспортида хусусий тармоққа ҳозирча кенг йўл очилмагани боис, бизнинг назаримизда, шаҳар хазинаси катта зарар кўрмоқда. Масалан: енгил автомобили бор киши эрталабдан кечгача кира билан шуғулланса, ўрта ҳисобда 15 минг сўм пул топади. Пойтахтда патентсиз, солиқ тўламасдан кира қилувчи "такси"лар минглаб топилади. Агар бу мисолдаги рақамларни кўпайтирсак хазинамиз қанча зарар кўраётгани, аниқ бўлади.

"Тошшаҳарйўловчитранс"дан олинган маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, шаҳарда масъулияти чекланган хусусий "Йўловчиавтохизмат" жамияти фаолият кўрсатиб келмоқда. Жамиятта 5770 нафар ҳайдовчи аъзо. Улар 1109 автобус ва микроавтобуслар ёрдамида 108 йўналишда аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг 7 ойида жамият ҳайдовчилари 7,5 млн йўловчини ўз манзилларига элтиб қўйган.

Шу ўринда жамоат транспорти кетган ҳаражатларни қопламаслиги масаласига қайтайлик. М.Мирқосимовнинг гапига қараганда, дунёнинг биронта мамлакатида жамоат транспорти ўзини оқламайди. Балки тўғридир. Чунки бизда бу ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин масаланинг яна бир томони бор. Чет элларда жамоат транспорти қатъий белгиланган жадвал асосида қатнайди. Ҳар бир автобусга юзлаб одам чиқмайди. Одам кам мингани учун даромад ҳам кам бўлади. Чет элда учта автобусга чиқадиган йўловчини бизда битта автобус ташийди. Бу дегани ҳаражат уч марта камайиб, даромад уч марта ошади. Бундан ташқари ҳозир Тошкентда ҳар бир фуқаро ойлик маошининг камида 20-25 фоизини транспортга сарфлаяпти. Демак, шунча маблағ "Тошшаҳарйўловчитранс" хазинасига тушаяпти. Бу оз маблағ эмас-ку.

Яна бир гап. Нега ҳар қандай йўналишда хусусий транспорт юрса ўзини оқлайди-ю, давлатники юрса бирдан боқимандага айланиб қолади?

Бир кунда битта автобус ўрта ҳисобда 1000 нафар йўловчини ташиса — 80 минг сўмни ташкил этади. Энди бу рақамни бир ойга кўпайтирсангиз қанча бўлади? Наҳотки, битта автобуснинг харажати учун бу оз бўлса?

Биз юқорида йўл чипталари нархига урғу берганимизнинг сабаби бор. Ўз-ўзидан тушунарлики, нарх ошган сайин йўловчиларга хизмат кўрсатиш ҳам яхшиланиб бориши лозим. Тошкентда эса бунинг аксини кўраяпмиз. Ҳурматли йўловчилар, ўзларингиз айтингларчи, сўнгги йилларда "Тошшаҳарйўловчитранс" томонидан йўловчиларга қулайлик яратиш йўлида қандай янгилик қилинди? Илгари ҳар бир автобус ҳайдовчисида микрофон бўларди. У шу микрофонда, ҳеч бўлмаса, йўловчиларга бекатларни эслатиб турарди. Ҳозир эса бу умуман унутилиб кетди.

Автобусда чипта сотувчиларнинг кўпида кондукторлигини кўрсатувчи белги йўқ. Айрим ҳайдовчилар ўғли ёки турмуш ўртоғини кондуктор қилиб олган. Улар ўз ҳуқуқлари у ёқда турсин, оддий муомалани ҳам билмайди. Кондукторлик касби омма билан ишлайдиган касб. Шундай экан, балки "Тошшаҳарйўловчитранс" қошида кондукторларни ўқитадиган бир ёки икки ойлик курслар ташкил этиш лозимдир. Ҳозир кондукторлар қўлингизда ойлик чипта кўрса, шунчалик қовоғи осиладики, ойлик чипта сотиб олганингизга ҳам афсусланиб кетасиз.

Ҳар бир бекатда қайси транспорт юриши, уларнинг қатнаш жадвали ёзиб қўйилиши керак. Ҳозир бундай кўрсаткичларни кўп бекатларда учратмайсиз. Нега?

Автобус ва троллейбуслар салонига бир эътибор бериб кўринг. Ҳаммасида йўловчининг мажбуриятлари ёзиб ташланган. Савол туғилади: нима, хизмат кўрсатувчининг мажбуриятлари йўқми? Салонга қанча йўловчи чиқиши керак? Шаҳар транспорти қанча вақт оралиғида йўналиш бўйича қатнаши лозим? Қатнов қачон бошланиб, қачон тугаши керак? Йўловчи йўналишдаги жамоат транспорти ишидан норози бўлса кимга ва қаерга мурожаат қилгани маъқул? Наҳотки, шуларни ёзиб қўйишнинг иложи бўлмаса?

"Тошшаҳарйўловчитранс" қошида ишонч телефони ташкил қилиб, унинг рақамини барча автобус салонларига ёзиб қўйиш мумкинми? Мумкин. Уни ташкил қилиш катта маблағ талаб қилмайди. Ишонч телефони фақат ишнинг яхшиланишига, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятининг ошишига ёрдам беради. Лекин негадир бу ишни ҳам қилишмаган. Нима учун? Бундай жавобсиз саволлар кўп.

Тўғри, вақти-вақти билан янги автобуслар сотиб олинмоқда. Аммо бу табиий жараён. Эски, шалоғи чиқиб, юрмай қолган транспорт ўрнига, албатта, янгиси сотиб олинади-да. Бу шаҳар транспорти мутасаддиларининг вазифаси-ку.

Мулоҳазамиз бошида транспортни шаҳарнинг қон томирига ўхшатдик. У яхши ишламаса қон айланиши бузилиб, бошқа аъзоларнинг ҳам иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шаҳар транспорти яхши юрмаса ҳам худди шундай. Асабингиз бузилиб кечгача ишингизда унум бўлмайди. Шундай экан, "Тошшаҳарйўловчитранс" раҳбарлари юқорида тилга олинган муаммоларни тузатиш йўлида жиддий изланишлари, хотиржамликка, ўзибўларчиликка берилмасликлари керак.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Мурод ШАМБАЕВ,
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" мухбирлари

Ўзбек мумтоз адабиёти

КЎҲНА ЧОЧ ОШИҒИ

Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро ҳамда Ҳусайн Воиз Кошифий каби машҳур сўз санъаткорларининг назари тушган, уларнинг тарбиясини олган адиблардан бири Восифийдир. Кошифий 12 яшар боланинг нотиқлик санъатидаги маҳоратига таҳсин айтган; ҳазрат Навоий унинг шеърий топишмоқ — муаммо ечишдаги зеҳни ва топқирлигига тан берган. Восифийнинг замондоши Амир Муҳаммад эса у ҳақда шундай дейди: ***"Восифий кўп ишларда даврнинг дурдонаси ва замонасининг ягонаси эди: биринчидан, унинг билаклари шу даражада кучлики, Хуросонда ҳеч бир баҳодир уни енга олмаган; иккинчидан, тез юриш ва югуришда шу даражага етдики, 65 фарсанг(520 километр)дан иборат Машҳад — Ҳирот йўлини икки кунда босиб ўтди; учинчидан, сувда сузишда ҳам унга тенг келадиган одам топилмасди. Кунлардан бир куни Ҳиротнинг Боғизағонида Фаридун Ҳусайн Мирзонинг буйруғи билан Восифийнинг қўл ва оёқларини боғлаб, ҳовузга ташлаб юбордилар. У ана шу ҳолатда пешиндан оқшомгача ҳовузда сузиб юрди. Тўртинчидан, у хушхон ҳофизликда ҳаммадан ўзарди; бешинчидан, у Мавлоно Ҳусайн Воизнинг шогирди эди. Мавлоно хушовозликда Восифийни ўзидан устун кўярди. Олтинчидан, у ҳар қандай кишининг овози ва ҳаракатига айнан тақлид қила оларди; еттинчидан, муаммо ечишда унга етадиган донишманд топилмасди; саккизинчидан, бир кунда "Қофия", "Шофия" номли машҳур китобларни битта хатога йўл қўймай, олий даражадаги ҳуснихатда кўчирарди; тўққизинчидан, ниҳоятда чидамли эди. Айтишларича, 10 кеча-кундуз ҳеч нарса емай юраверраркан; ўнинчидан, бадиҳа тарзида шеър айтиш, машҳур шоирлар асарларига ўхшатмалар яратишга уста эди. Агар хоҳласа, бир кечада атоқли шоирларнинг 50-60 байтли қасидасига жавоб айта оларди".***

Восифий 1485 йили ҳиротлик маърифат шайдоси Абдужалил оиласида туғилади. Бўлажак шоирнинг болалик ва йигитлик йиллари Ҳирот гоҳ Шайбонийхон, гоҳ Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўлига ўтиб турган вақтга тўғри келди. Шунга қарамай Восифий қунт билан билим эгаллади, Ҳирот мадрасаларида ўқиди, 12-13 ёшида кўп фанларни пухта эгаллаб, шеърни яхши тушунадиган иқтидорли йигитча сифатида илм-адаб аҳли эътиборини қозонди. У ҳуқуқшунослик, мантиқ, астрономия, математика, тилшунослик ва замонасининг бошқа барча билимларини пухта ўрганди. 1510 йили шоҳ Исмоил Шайбонийхонни ўлдириб, Ҳирот шаҳрини эгаллади. Восифий ҳаётини хавф остига қўйиб бўлса-да, кўп дўстларини қатл этилишдан сақлаб қолади; Хуросон ва Мовароуннаҳрда дарбадарликда юради. Сайрам, Бухоро, Ўратепа, Хўжанд, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида бўлади. Наврўз Аҳмад ҳамда Келдимуҳаммадхон ҳукмронлиги йиллари Тошкентда яшаган Восифий муаллимлик қилади, шаҳар илм-адаб аҳлининг раҳбарига айланади. Адиб тахминан 1552—1555 йиллар орасида шу ерда вафот этади.

Восифийнинг ижодий мероси "Бадоеъ ул-вақоеъ" хотира-саргузашт асари, бир қанча ўзбек ва тожик тилларидаги шеърлардан иборат. "Бадоеъ ул-вақоеъ" юзлаб ҳикоят, ривоят, латифа, хотиралардан ташкил топган. Бу асар Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихи, илмий, маданий, адабий муҳити, халқ санъати, турли элатларнинг келиб чиқиши, урф-одатлари, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, театр томошасини билишда, Навоий, Жомий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқаро, Паҳлавон Муҳаммад, Жалолиддин Юсуф сингари ўнлаб маданият арбоблари фаолиятини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Ёзувчининг Тошкент шаҳри маданий ҳаёти, унинг боғу роғлари ҳақидаги мулоҳазалари ғоят диққатга сазовордир. Шоирнинг 150 мисрадан иборат "Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида" деб номланган қасидасини ўқир эканмиз, биз кўҳна шаҳримизнинг ўша даврдаги ҳолатини кўз олдимизга келтирамиз. Восифий Тошкентдаги мунозаралар, адабий анжуманлар ҳақида фикр юритар экан, аксарият пайтлари Ибн Сино, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Навоий, Котибий каби шоирларнинг ижоди ҳақида баҳслар бўлиб туришини, "шоҳномахонлик" қилинишини уқтиради. У Тошкентда яшаб, ижод этган шоир Фирқатий, адабиётшунос, астроном Мавлоно Қатилий, шоир Мавлоно Конибодомий, Саид Туркистоний, Мавлоно Нодирий, Мавлоно Матлаъий, олим ва рассомлардан Мавлоно Самарқандий, Шоҳ Ҳусайн, Жамолиддин Юсуф ва бошқаларни ҳурмат билан тилга олади. Маниини кўздан кечириб, бу муаммога жавоб топдик.



Тошкент. Кўкалдош мадрасаси. XVI аср.

Кўпдан бери илм-адаб аҳли орасида бу улкан адиб туркий тилни, яъни ўзбек тилини билганми, бу тилда асарлар ёзганми деган баҳс юради. Баъзи олимлар "Билган", дейишса, айримлари қатъий тарзда: "Восифий туркий тилни билмаган, ҳатто унга беписандлик билан қараган", дейишарди. Биз адибнинг устоз Александр Болдирев томонидан тайёрланган "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарининг икки жилддан иборат (Москва, ИВЛ, 1961) танқидий матнини кўздан кечириб, бу муаммога жавоб топдик.

Ҳақиқатан ҳам Ҳирот маданий ҳаётининг кўп жабҳаларида фаол қатнашган, кўпинча киборлар даврасида юриб, 14-15 яшарлигида муаммо ечишда Алишер Навоий таҳсинига эришиб, 25 йил давомида Тошкент ҳокимлари Келдимуҳаммадхон ҳамда Наврўз Аҳмад (Бароқхон) саройида муаллимлик қилган Восифийнинг ўзбек тилини билмаслиги мантиқдан йироқдир. "Бадоеъ ул-вақоеъ" таркибидаги далиллар Восифийнинг туркий тилни мукаммал билганини аниқ тасдиқлайди.

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, адиб ўзи иштирок этган мажлислардаги муайян шахс томонидан айтилган ҳикоятлардаги туркий нутқ таркибига, шеърларга катта эътибор берган. Зероки, адиб баъзан ўзи шахсан қатнашган мажлис баёни ёки эшитган ҳикояларининг қайта нақлида туркийча жумла, сўз ва ибораларни айнан келтиради. Масалан, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий суҳбати матнида "Халойиқ фақирнинг ҳаққинда не сўз айтадурлар"; "Астароқ бориб сомеъ намудам" ("Бадоеъ ул-вақоеъ", II жилд, 1114-бет) жумлаларини форсий баёнга усталик билан сингдириб юборган.

Бошқа бир ўринда муаллиф ёзади: "Кунлардан бир куни гузарим бир болохонага тушди. Ўн чоғли одамлар шароб қайфияти-ю шеър баҳсидан сармаст эдилар. Бир йигит: "Муҳаммад Солиҳ Чиғатой ҳақида зўр рубоий айтган", деди-да, ўша шеърни ўқиди:

Мискин Чиғатойки
кундузи тундир онға,
Аҳволи паришон ва
қора кундир онға.
Мағрур бўлиб ер
юзига сиғмас эди,
Сичқон тешуки эмди
минг олтиндур онға.

Мен ўзимни тута олмай йиғлаб юбордим ва ҳонадан чиқиб кетдим. Иттифоқо, йўлда бир дўстим учраб қолиб: "Нега кўзларингда ёш кўраман", деб сўраб қолди. Ҳалиги рубоийни ўқидим. У ҳам менга қўшилишиб йиғлади".

Бу далил икки жиҳати билан қадрли: биринчидан, ҳануз шоир Муҳаммад Солиҳнинг туркий тилдаги шеърларидан намуналар қўлга киритилмаганди. Бу рубоий бир топилдиқ бўлди. Иккинчидан, дарбадарлигу муҳтожликда, бекасу бенаволикда юрган Восифийнинг қалбини ушбу шеър ўртаб юборган: инсон руҳиятига шеърият таъсирининг энг олий намунаси бу. Учинчидан, рубоийнинг мазмуни ва ғояси ҳам анча юксак.

Восифий "Бадоеъ ул-вақоеъ"нинг 48-фаслида ўзининг руҳий аҳволини тасвирлар экан, "Ли муаллифа" рукнида бир қасида, бир неча ғазалини ҳам келтирган. Улардан бири "Бўлубтур" радифли ўзбекча ғазалдир. (Ғазал саргузаштноманинг бош қисмида келганлигини инобатга олсак, Восифийнинг Ҳиротда эканлигидаёқ туркий тилда ғазаллар битиб юрганлиги ойдинлашади.)

Ул шўхки, мандин яна
бегона бўлубтур,
Ағёр била ҳамдаму
ҳамхона бўлубтур.
Бу хаста кўнгулким ичида
икки кўзинг бор,
Бодомдурур, мағз анга
дугона бўлубтур.
Чун шамъ онинг қошида
қуйдургулик ўлди,
Куймакка онинг ошиқи
парвона бўлубтур.
Жон мамлакатиким бурун
обод эди, эмди
Ғам шиҳнаси зулми била
вайрона бўлубтур.
Зулфунгға кўнгул боғласам
ўлғай дедим, эй шўх,
Дедики, кўрунг: Восифий
девона бўлубтур.

Ҳар жиҳатдан мумтоз бўлган мазкур ғазал Восифийнинг туркий ва форсий тилдаги шеъриятда ўзига хос мақомга эга шоир эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Умуман, "Бадоеъ ул-вақоеъ"нинг XV асрнинг охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётини ўрганишдаги қиммати алоҳида тадқиқ этишга арзигуликдир.

Кўриниб турибдики, "Бадоеъ ул-вақоеъ" бизнинг маданиятимиз, санъатимиз ҳамда адабиётимиз тарихини ўрганишда нодир манба экан. Ана шуни ҳисобга олиб, таниқли шарқшунос олим Наим Норқулов асарни ўзбек тилига таржима қилган эди. Афсуски, "Бадоеъ ул-вақоеъ" (Тошкент, 1979) мухтасарроқ тарзда чоп этилди. Эндиликда мутасадди ноширлар мутаржим билан ҳамкорликда бу нодир ёдгорликнинг мукаммал нашрини яратадиган вақт етди.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
профессор

СИПЕҲРИЙ СЕҲРИ

Доимий ҳамроҳ

Форс шеърияти ҳақида сўз борганда илоҳий майнинг хуморидан маст Хайём, "Лисон ул-ғайб", дея таърифланган ва бутун ҳаёти афсоналарга чулғанган Хожа Ҳофиз, карвонлар қўнғироғига ғарқ Муслиҳиддин Саъдий, авлиёлар шоири Фаридиддин Аттор ва яна ўнлаб жаҳон шеъриятининг юлдузлари кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳақиқатан Соҳибқирон Амир Темурда ҳам ҳайрат уйғотган бу шеъриятнинг жаҳоний обрў-эътибори тўғрисида мингларча китоблар битилган.

ХХ аср, илм-фаннинг барча соҳаларида бўлгани каби, бадиий адабиётда ҳам чинакам кашфиётлар асри бўлди. Бу ўзгаришлар форс адабиёти, хусусан шеъриятини ҳам четлаб ўтолмади. Мумтоз форс шеъриятининг гултожи ҳисобланган Ҳофиздан замонавий форс шеъриятининг улкан намояндаси Муҳаммад Ҳусайн Шаҳриёрга қадар, асосан, аруз вазнининг хилма-хил шаклларида қалам тебратдилар. Ижтимоий ҳаёт, фан-техника соҳасидаги изланишлар, замоннинг кескин ва шиддатли оҳанглари бирмунча масъум ва мулойим арузнинг шеърият майдонидаги ўрнини тобора сиқиб келарди. Аруз ХХ асрга мослашолмай қийналар, энди унинг темир ҳалқалари синиб, парча-парча бўлиш эҳтимоли ҳақиқатга айланмоқда эди. Бу "фожиа" ниҳоят рўй берди. Ҳатто Пушкин ва Гётени ҳайратга солган, Есенинни Ҳазар денгизи соҳилларигача олиб келган Саъдийнинг руҳи "янги шеър" қошида бош эгди. Форс шеъриятида ҳақиқий инқилоб рўй берди.

Истеъдодли шарқшунос Наргис Шоалиеванинг "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган "Қизил гулнинг сири" (2002) китоби юқорида қайд этилган "адабий инқилоб"нинг энг ёрқин сиймоларидан бири — Суҳроб Сипеҳрийнинг ижод йўли, бетакрор бадиий олами ҳақида ҳикоя қилади. Ёш олима рангинҳаёл шоир ижодини шоирона дид билан теран ва атрофлича тадқиқ этишга интилган. Китоб профессор Ҳ.Ҳомидийнинг "Сипеҳрий сеҳри" сарлавҳали мақоласи билан очилиб, шоирнинг ҳаёт ва ижодига бағишланган бўлим, унинг машҳур "Сув одимлари товуши" манзумасининг батафсил таҳлили, шеърларидан намуналар, ҳозирги замон форс шеърияти ва ўзбек таржимачилигига доир мақоладан иборат.

Тадқиқотчи форс адабиётида "янги шеър" ("шеъри нав") деб эътироф этилган адабий жараённинг пайдо бўлиши, кашшофлари, шаклланиш даврлари хусусида сўзларкан, Эрон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни ҳам таҳлил қилади.

"Жаҳон адабиёти" кутубхонаси" туркумида чоп этилган китоб Суҳроб Сипеҳрий шеърларига ишланган гўзал тасвирлар билан безатилган.

Адади — 1000 нусха. Муҳаррир — шоир Мирпўлат Мирзаев.

АЛАМЛИ КУНЛАР

Китобингизни ўқидим

Адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаевнинг "Туркистоннинг ўтган кунлари" ("Ўқитувчи", 2002) рисоласини ўқиб ғоят таъсирландик. Унда юртимизнинг Россия томонидан босиб олиниши, халқимизнинг истибдодга солиниши тўғрисидаги воқеалар изтироб билан ҳикоя қилинади.

Собиқ иттифоқ даврида чиққан ўнлаб китобларда, тадқиқотларда бу масала бирёқлама ёритилди; босқинчиликдан иборат бўлган ҳаракатлар Туркистон ўлкасига илғор маданият олиб кириш, дея оқланди ва тарих сохталаштирилди.

Рисолада эса Россия ва собиқ иттифоқ даврида пайдо бўлган рус тадқиқотчиларининг асарлари, вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалар заминида рус генералларининг босқинчилик сиёсати очиб ташланган. Жумладан, рисолада Скобелевнинг Туркистондаги ҳар бир қаламидан қон ҳиди анқиб турарди, дейилади. Фақат Скобелев эмас, балки бу ерга келган бошқа офицер ва генералларнинг асосий мақсади ҳам бундан ўзгача эмас эди. Улар ёвузларча Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Хива каби шаҳар ва қишлоқларни ёндирдилар...

Рисолада таъкидланганидек, 1868 йили босқинчи қўшинлар Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларини ишғол этгач, Қўқон хонлигидаги фидойилар душман армиясига қарши жангга отланадилар. Аммо Қўқон хони аксинча иш тутади. У Кауфманга хат йўллаб "халқ ўртасида низо чиқишига йўл қўймаслик"ни зиммасига олади, ҳатто Қўқонга мадад сўраб келган шаҳрисабзлик Жўрабек ва Бобобекни рус ҳукуматига тутиб беради. Бу Қўқон хони томонидан амалга оширилган хиёнат эди. Бундан фойдаланган чор қўшинлари Қўқон қалъасини замбараклардан ўққа тутиб, ер билан яксон қилади, минглаб одамлар ҳалок бўлади, қочганлар ҳам қиличдан ўтказилади. Рисолада Андижон, Асака ва бошқа шаҳару қишлоқларнинг вайронага айлантирилгани ҳақида, айниқса, Ошоба фожеасига бағишланган қонли воқеаларни алам-изтироб билан ўқидик. Ошобаликларнинг бирортаси ҳам таслим бўлишни хоҳламайдилар, ҳамма қўлига тушган қурол билан душманга қарши курашади. Ҳатто хотинлар қўлларига пичоқ олиб аскарларга ҳамла қиладилар, болалар томдан туриб тош ирғитадилар. Ошоба аҳолиси босқинчиларга таслим бўлмай, тенгсиз жанг да ҳаммаси ҳалок бўлади. Ниҳоят, қишлоқ ёвузлар томонидан эгалланади ва барча тирик жон найзадан ўтказилади. Ошоба қаҳрамонларининг жасорати намуна бўлиши зарур. Уларнинг юксак жасорати ана шундай ардоқлашга ҳар жиҳатдан лойиқдир.

Рисоланинг иккинчи қисмидан ўрин олган рассом В.Верешчагиннинг "1868 йилда Самарқанд" номли хотиралари ўқувчиларга яхши таниш. Хотира рус армияси офицери томонидан ёзилган бўлса-да, тўғрисини айтиш керак, нисбатан холис битилган, дейиш мумкин. Верешчагин ўзи кўрган ёки бевосита иштирок этган даҳшатли воқеаларни оқизмай-томизмай ёзади. Бу хотирага кўра, ерли аҳоли Самарқанд шаҳрига ўрнашиб олган салкам 500 кишилик душман қўшинига қарши қаҳрамонларча курашади ва қамал ҳолатидаги шаҳарни 8 кеча-кундуз қўлда тутиб туради...

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон бошига тушган бу қора кунлар ҳеч қачон унут бўлмаслиги керак. Аммо унинг сабабларини билиб қўйишимиз шарт. Булар — хонларнинг тарқоқлиги ("Бўлинганни бўри ер", дейдилар-ку!), ўзаро жанжаллар, хиёнат, босқинчиларга малайлик... Ўша даврда халқимизнинг миллат сифатида жипс бўлмаганлиги ҳам душманга қўл келган...

Тарих сабоқлари шундай. Бундан ҳар биримиз тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак.

Ғафур АБДУМАЖИДОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор,
Содиқ МЎМИНОВ,
тарих фанлари номзоди

ИБН ЯМИНБЕКНИНГ ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

Тадқиқот, ахборот

Ўзбек маърифатпарварлик адабиётида илм-фан жамият равнақининг асосий омили сифатида улуғланади. Халқимизнинг асл фарзандлари маърифатпарварлик ғояларини илгари сурдилар. Шулар орасида Худоёрхоннинг ўғилларидан Ибн Яминбек ҳам бор эди. Ибн Яминбек тахминан 1865 — 70-йиллар орасида Қўқон шаҳрида туғилган. 1875 йили Пўлатхон тахтни эгаллагач, Худоёрхон авлодидан бўлган ўғил болаларни қириб ташлай бошлади. Ана шундай даҳшатли шароитда яқинларининг кўмаги, онасининг ҳушёрлиги туфайли у тирик қолади. Русия истилоси бошлангач, онаси Моҳбегим ойим ҳамда тирик қолган бошқа онадан туғилган Муҳаммад Амин ва Муҳаммад Умарбек исмли икки акаси билан Тошкент шаҳрига келади, гимназияга ўқишга киради.

Ибн Яминбек "Туркистон вилоятининг газети"да ўз мақолалари билан қатнашади. Унинг шу газетада босилган "Жаноби марҳум Сайид Худоёрхоннинг фарзанди аржумандлари Ибн Яминбекнинг ўз умри хусусида таҳрир айлагони ушбудир" сарлавҳали автобиографик асари ва "Сартия халқининг умри хусусида" номли катта ҳажмли мақоласи маълум.

Мазкур асарлар Ибн Яминбек дунёқараши ҳақида муайян хулосалар чиқаришимизга имкон беради.

"Сартия халқининг умри хусусида" 1893 йили "Туркистон вилоятининг газети"нинг 34-, 37-, 44-, 45-, 47- сонларида босилган. Бу асарда муаллиф халқнинг турмуш тарзи, ҳаётда учрайдиган айрим ношаръий ишлар ҳақида тўхталади. Ибн Яминбек ўз халқининг келажаги — болаларнинг туғилиши, ўсиши ва илм олиши борасида қайғуради, фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига халақит берувчи иллатларни кўрсатади.

Асар ўз вақтида замондошлари тарафидан танқид ва эътирозларга ҳам учраган. Шундай эътирозлардан бири хўжандлик Сайдалихўжага тегишли. Унинг эътирозига жавобан газета шундай жавоб беради:

"Биз ўз тарафимиздан айтамизким, Ибн Яминбек шариатга мухолиф ҳеч нима дегани йўқ ва лекин халқнинг нуқсонларини маълум қилган ва ушбу нуқсонлар шариатқа мувофиқ эмас".

Хўш, бу нуқсонлар Ибн Яминбек тасаввурида нималардан иборат эди?

Хусусан, у нуқсон деб қараган нарса тўйлардаги дабдабабозлик, емай-киймай йиғиб, тўйда сарфлаб, тўйдан сўнг қарзга ботишдир. Ибн Яминбекнинг фикрича, тўйларга сарф этилган харажат фарзандларнинг илм олишига сарфланиши лозим.

Ибн Яминбек она ва бола саломатлиги масаласига катта эътибор билан қарайди. Фарзанднинг туғилиши, соғлом ўсиши, илм олиши унинг учун асосий муаммолардан эди. Бу масалада фарзандлар яшаётган ва илм олаётган бинонинг архитектураси, қурилиш тарҳига алоҳида диққат қилади. Зах, совуқ биноларда яшаш, илм олиш болалар ўртасида касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлишини айтади. Туғилиш пайтидаги она-бола ўлимининг юқорилигига эътиборни қаратади.

Ибн Яминбек аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли, билимли инсонлар бўлажагига ишонади. "Хотунлар кўчаларга юзини очиб чиқувга ихтиёрлари йўқтур, — деб ёзади у. — Лекин мен ўйлайманки, замон ва тарбият, илм-зиё топилмоқ билан бул одатлар барҳам берулса керак".

Ибн Яминбек асарида ўша давр халқ турмуш тарзидаги нуқсонлар ҳақида сўзлар экан, чор мустабидлари билан кириб келган номақбул одатлар борасида тўхталмайди. Мазкур бирёқламалик ўша давр сиёсати билан изоҳланади, албатта. Лекин шунга қарамай Ибн Яминбек бонг урган она ва бола муҳофазаси, тўйлар ҳақидаги фикрлар ўша даврда фақат ўзбекларнинг эмас, балки барча халқларнинг долзарб муаммоларидан эди ва улар ҳозир ҳам узил-кесил барҳам топган эмас.

Шарифа АБДУЛЛАЕВА

ҚАЛБНИ ЎҚИШДА НУКТАДОНЛИК ДАРКОР

Ҳафтаноманинг 2002 йил 23 август сонида таниқли адабиётшунос Ваҳоб Раҳмоновнинг "Эҳтиёт бўлинг: қалб санъати!" сарлавҳали мўъжазгина мақоласи эълон қилинганди. Камтарона тарзда фиқра (яъни, парча, бўлак), деб аталган бу мақола мазмунан ғоятда эътиборлидир. Зеро, унда мумтоз адабиётимизда нисбатан кам учрайдиган бадиий санъатлар сирасидан бўлмиш қалб санъати ҳақида сўз юритилади. Бироқ, унга қўйилган сарлавҳа номақбулроқдек кўринди бизга. Чунки одатда "Эҳтиёт бўлинг" иборасини бу тарзда қўллаш бирон-бир юз бериши мумкин бўлган хавф-хатардан огоҳлантириш мақсадида қўлланилади. Ҳолбуки, муаллифнинг мақсади қалб санъатига чуқурроқ эътибор бериш, кенгроқ фикр юритиш кераклигини таъкидлашдир. Шундай экан, мақолага "Диққат қилинг: қалб санъати" ёки "Эътибор қилинг: қалб санъати" каби сарлавҳалар қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу бизнинг шунчаки мулоҳазамиз, холос. Асосий мақсадимиз эса бошқа, яъни ҳамонки қалб санъати ва унинг намуналари ҳақида сўз очилган экан, биз ҳам ҳазрат Алишер Навоий томонидан яратилган ана шу камёб бадиий шакл намунаси ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Навоий ҳазратларининг "Муншаот" асарида тўрт фасл: баҳор, ёз, куз ва қиш билан мазмунан боғлиқ бўлган тўрт мактуб мавжуд. Улар аниқ бир шахсга ёзилмаган, балки фаслларнинг кириб келиши муносабати билан дўстларга битиладиган мактубнинг бадиий намунаси сифатида яратилган. Шунга кўра, уларда бадиий бўёқ қуюқ. Чунончи, қиш фасли билан боғлиқ мактуб шундай бошланади: "Дуоеким, шито қалбида шито қалбидин дилсўзроқ ва ниёзеким, қиш айнида қиш айнидин дилфурўзроқ бўлғай".

Бу ёзилганларнинг маънисини "чақиш" бугунги кун кишиси учун анча мушкул, албатта. Мактуб матнини биринчи бор илмий истифодага киритган устод Иззат Султон домла тагҳатда сўзларнинг маъносини бериш (**шито** — қиш, **дилсўз** — дил ёндирувчи, **дилфурўз** — дилга ёқувчи) ва "айн" сўзининг икки маънога эгалигидан фойдаланиб сўз ўйини қилинганини айтиш билан кифояланганлар (И.Султон, Навоийнинг қалб дафтари. 1969, 191-бет). Гапнинг аввалги қисмининг асосий мағзи ҳисобланмиш "қалб" сўзига эса эътибор берилмаган. Шу боис гапнинг маъноси деярли қоронғилигича қолаверган.

Маълумки, "қалб" сўзининг биз асосий маъноси деб билганимиз — "юрак", В.Раҳмонов айтганидек, "тескари, чаппа" маъноларидан ташқари, яна "сохта, қалбаки" ва "бирор жой ёки нарсанинг ўртаси, марказ" каби маъноларини ҳам бор. Сўз бораётган гапда "ўртаси" ҳамда "тескари" маъноларида қўлланилган. Яъни, "шито қалбида" — қиш ўртасида, "шито қалбидин" — қиш тескарисидан. Ана энди қалб санъатининг талабига кўра арабча ёзувдаги "шито" сўзини тескари ўқиймиз: **оташ**. Демак, "шито қалбида шито қалбидин дилсўзроқ" жумласининг маъноси "қиш ўртасида, яъни қишнинг энг зўрайган даврида, оташдан ҳам кўра дилни ёндирадиган" экан.

"Оташ" сўзининг дилни ёндирадиган, ўртантирадиган ҳароратли ҳис-туйғу маъноси ҳам борлиги эса маълум.

Гапнинг кейинги қисмида энди Навоий "айн" сўзи воситасида бошқа бир бадиий санъат — тажнисни қўллаганлар. Бу сўз ҳам бир неча маъноларга эга бўлиб, ушбу ўринда "ҳулди ўзи" ва "қуёш" маъносида ишлатилмоқда. Яъни, "айни қиш палласида қиш қуёшидек дилга ёқимли". Демак, қишнинг қоқ ўртасида ўт, оловдан ҳам кўра ҳароратли дуо ва айни қишдаги қуёш ҳароратидан ҳам кўра ёқимли илтижони шоир ана шундай бадиий тарзда — қофияли насрда қалб ҳамда тажнис санъатларини маҳорат билан қўллаш орқали баён этмоқда.

Ана шу ҳолнинг ўзи ҳам Навоий мактублари бадиияти ҳақида етарли тасаввур пайдо қила олади. Бинобарин, уларни ўқиш учун бадиий дид ва нукталонлик талаб этилади, холос.

Юсуф ТУРСУНОВ,
филология фанлари номзоди

ХУДО БЕРГАН БАХТИНГНИ АСРАЙ БИЛГИН

Маҳмуд ТОИРОВ

Маҳмуд Тоиров 1952 йили Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган. Миллий университетнинг филология факултетини битирган. "Айт, энди юрагим" (1990), "Оқиб кетган армонлар" (1991), "Муҳаббат шеваси" (1992), "Биз нечун учрашдик" (1994), "Бармоқлар бодаси" (1995), "Ҳақни таниб" (1997), "Юз тўртлик" (2001) каби шеърий тўпламлари эълон қилинган.

Шоир таниқли хонандалар томонидан севиб куйланадиган кўплаб қўшиқларнинг ҳам муаллифидир. Ҳозир унинг сайланма китоби "Шарқ" нашриёт-матбаа компаниясида нашрга тайёрланмоқда. Қуйида шоирнинг бир туркум янги шеърларини ўқийсиз.

АСРАЙ БИЛГИН

Қордан қадр сўрама, эриб кетар,
Хазон болиш бўлмайди, чириб кетар.
Ғаним уйдан қувончинг териб кетар,
Худо берган бахтингни асрай билгин.

Ҳақдан сўра, мушкулинг осон бўлсин,
Дарвозанг оч, уйингда меҳмон бўлсин.
Остонангда орият посбон бўлсин,
Худо берган тахтингни асрай билгин.

Бўлар-бўлмас одамга бўзлайверма,
Ҳар бир дилдан ҳақиқатни излайверма,
Қўлинг етмас манзилни кўзлайверма,
Худо берган нақдингни асрай билгин.

Тошмеҳрдан тиланма дил тўкилар,
Бевафонинг бағрида бахт ўкинар,
Оқилга, ҳам одилга эл юкинар,
Эл ўғлисан, аҳдингни асрай билгин.

Бу дунёнинг белига белбоғ етмас,
Биз кетамиз дунёдан, дунё кетмас,
Мудраб қолсанг отар тонг, сени кутмас,
Маҳмуд, сафда шаҳдингни асрай билгин,
Худо берган бахтингни асрай билгин.

ҲИКМАТ

Мен келдиму мен бўлди дунё,
Сен келдингу сен бўлди дунё,
Дунё ёшдир, дунё кўҳнадир,
Сену менга тенг бўлди дунё.

Одамзотнинг ёшин сўрама,
Мингта кирмас, ахир, бандаси.
Қайғулари ернинг остида,
Биз — дунёнинг янги хандаси.

АЖАБ...

Хаёли ҳур ўзи қуллар бор,
Тувагидан тушмас гуллар бор,
Ким нимадан топар эътибор,
Дунё, сенга тушунуб бўлмас.

Бахтдек ширин, гулдек бокира,
Дейсан: "унга ҳавас қил, жўра".
У қилмаган гуноҳ йўқ сира,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Ҳеч ким демас — тўнка гуллабди,
Иймонини тўнка пуллабди,
Айб ундамас, шайтон имлабди,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Куттан одам кутаверади,
Бахт ёнидан ўтаверади,
Қўлин чўзиб кетаверади,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Топганингдан йўқотганинг кўп,
Гул тутгандан тош отганинг кўп,
Токай кўзга соладирсан чўп,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Юзи тиниқ, кўнгли қаролар,
Садоқатдан қилиб садолар,
Олқишлардан кияр сарполар,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Кимга ерсан, кимга тўзонсан,
Бунча қиммат, бунча арзонсан,
Пешонамга нима ёзгансан,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

БУ ТУН

Бу туннинг ўзи ёруғ,
Бу туннинг кўзи ёруғ.
Бир ойким, жамолидин
Тошларнинг юзи ёруғ.

Бу қаср остонасиз,
Май берур майхонасиз,
Севсангиз, севилсангиз,
Сўзимга ишонасиз.

Умримдай узун кеча,
Жонимдан кечдим пича,
Жаннат жамолин кўрдим
Мен ишқни ича-ича.

ЎРГАТМА

Севишни ўргатма, азизим, менга,
Билсанг, ошиқларга устоз керакмас.
Ишқ аҳли розини айтайин сенга,
Булбулга на ғазал, на соз керакмас.

Йиғлаб юлдузига етмаган билар,
Қоронғу тун учун доғли ой яхши.
Кулса Тангри ишқсиздан кулар,
Ёлғондан куйласа ўлади бахши.

Ҳар куртак уволи баҳорга аён,
Муҳаббат қон шимиб ёнган чироқдир,
Сен менга севишни ўргатма ҳеч он,
Дийдор хуш, фироқ ундан гўзалроқдир.

Азизим, севишни ўргатиб бўлмас,
Ўлишни ўргатиб бўлмаган каби.
Севиб, севилмаган бахтиёр қулмас,
Чин ошиқ Ҳақ учун суюкли наби.

ҚАЙНОНА
(ҳазил)

Бу қўшиқда ҳазил бор,
Қизлар етар манзил бор.
Жиндек зил ҳам йўқ эмас,
Ҳар кимда ҳам кўнгил бор.

Ёт уйда етимдайин
Ҳаётин бошлар келин.
Қайнона ёмон бўлса,
Кўзларин ёшлар келин.

Ойлар ўтар, йил ўтар,
Келин бирдан ўт олмас.
Қайнонасин қаҳрига,
Кун келади, чидолмас.

Бошланар гап отишлар,
Бошланар гап сотишлар.
Ўртада сарсон куёв,
Тонгтача терс ётишлар.

Қайнонажон, қайнона,
Келин сизга парвона.
Гар сиз қовоқ уйсангиз
Етти олам вайрона.

Келин ҳам бир онанинг
Жондан чиққан чашмаси.
Ўнг кўз билан қаранг сиз,
Ёмон эмас ҳаммаси.

Ҳой, келинчак, келинчак,
Жилмайиб қўринг жиндек.
Қайнона ҳам тош эмас,
Иккингизга жон керак.

Дунё — кенг...

ИЛК ЖАРРОҲЛИК АМАЛИ

Жуда қадимда европаликларнинг аждодлари ақл бовар қилмайдиган жарроҳлик операцияларини амалга оширишган. Хусусан, яқинда Темза дарёси қирғоғидан топилган одамнинг бош суяги илмий доираларда катта шов-шувларга сабаб бўлди.

Бу бош суягининг соҳиби ҳозирда Лондон шаҳри жойлашган жойларда бронза асрида яшаб ўтган. Британия археология институти олимлари бу топилдиқнинг бебаҳолигини қайд этишди. Зотан, бош суягида ўта жиддий жарроҳлик операциясининг излари топилган. Эҳтимол, бу инсоният тарихидаги шундай жарроҳлик амалининг дастлабкисидир.

"Дейли телеграф"нинг хабар беришича, археологлар бош суягидаги тахминан 4га 3 сантиметр ҳажмда очилган жой билан қизиқишган. Муҳими шундаки, бу очиқ жой атрофида суякда чатнаган излар кузатилмаган, демак, бош суягига оғир нарса билан зарба берилмаган. Аксинча, бош суягининг очиқ жойида суяк четлари махсус асбобда бир текис қирқилгани аниқ билиниб турибди. Бу эса жуда қадимда ана шундай ғоят мураккаб операция амалга оширилганидан далолат беради. Бош суягининг эгаси, илмий аниқлашдан аён бўлишича, эрамизгача 1750-1610 йилларда, бронза асрида, яъни бундан 4000 йил олдин яшаган.

Қадимда табиблар одам бош суягини очиш орқали қон босимини туширишга, оғир бош оғриқларини қолдиришга эришган. Шунингдек, тутқаноқ ва руҳий хасталиклардан қутилиш учун қадимда бош суяги очилган ва очиқ жойдан жин-ажиналар чиқиб кетади, деб ишонилган.

Умуман, Буюк Британияда қирқтача ана шундай — очилган бош суяги топилган. Бу факт ҳам қадим аждодларнинг бу мураккаб жарроҳлик амалини изчил қўллашганидан далолат беради.

"МУХНОЧВА" ОТЛИ БАЛО

Шу кунларда Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штати аҳолиси қўрқув ва ваҳима ичида яшашмоқда. Бири-бирига зид хабарларда айтилишича, одамларни ғайритабиий имкониятларга эга бўлган аллақандай бало шу аҳволга солаётир. Бу "феномен"га дуч келган кишининг баданида оғриқли яралар қолади. Шунинг учун маҳаллий аҳоли уни "мухночва", яъни "тирнайдиган кимса" деб атайди.

"Мухночва"ни кўзи билан кўрганларнинг айтишича, "у думалоқ шаклга эга, учар идишга ўхшаган, ўзидан ёруғ қизил ва яшил нур таратади". Ситапуралик гувоҳнинг сўзига қараганда, "У жуда катта тезликда учади, лаҳзада кўздан ғойиб бўлади ва ана шу лаҳза ичида дуч келган кишининг юзини бир неча жойидан тилиб кетади".

"Мухночва"ни видеотасмага туширишга ҳам муваффақ бўлишди. "Эйшн Эйж" газетасида ёзилишича, видео тасмадаги тасвирни кўришиб, экспертлар бирор-бир тузукроқ фикр билдириша олишмаган. Яраланганларни текширган врачлар яраларнинг жиддий эмаслигини, тирналганга ўхшашлигини, қаттиқ оғриқ эса воқеа содир бўлган чоқда одамлар юзига ёғиладиган қандайдир кимёвий модданинг таъсиридан эканлигини тахмин қилишмоқда. Ҳиндистонлик олимлар бу ҳодисани "узоқ давом этган кучли қурғоқчиликдан пайдо бўлган табиий ҳодиса" сифатида шарҳлашмоқда. Полиция раҳбарлари эса бу ҳодисага "масофадан туриб бошқариладиган аллақандай қурилманинг" иши деб қарашмоқда. Хуллас, бу ҳодиса ҳақида мамлакат хавфсизлик хизмати, ички ишлар вазирлиги, медэкспертлар, олимлар, полиция ходимлари ўз хулосаларини беришмоқда. Бу хулосаларнинг турли-туманлиги ғаройиб ҳодиса ҳақидаги тасаввурни тобора чалкаштираётир.

Маданият ишлари вазирлиги уруш ва меҳнат фахрийси **Зайнулла МАҒРУПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбекфилм" бирлашмаси жамоаси студиянинг кекса ташкилотчиларидан бири **Зайнулла МАҒРУПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ватандошимиз Шайх Хожа Аҳрори Валий ким бўлганлар? Беш юз йилдан ошиқ вақтдан буён у киши ҳақидаги ҳикоят ва ривоятлар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий таъбирича, "уфқлар ичра қишлоқ пири" ҳақида бугунги кунда муҳим ва аниқ сўзлар айтилмоқда, илмий тадқиқотлар бўлмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон буюк шайх ҳақида "Халоскор руҳ" номли қисса ёзди. Қуйида шу янги асардан парча эълон қилинмоқда.

НАЗМ ВА НАСР БЎЛИМИ

ХАЛОСКОР РУҲ

қиссадан парча

Омон МАТЖОН

ҒАЛАТИ ЗИЛЗИЛА

1490 йилда Самарқандда зилзила содир бўлди. Мушоҳидлар хабар берадиларки, "ер оёқ остиндан қочур эди..." Демак, тупроқ шунчаки силкинмаган, ё чайқалиб, ё ларза билан зарб урмаган. Аммо оёқлар тагидан қочган, ўзини пастга урган.

Мавжудлик муаллақ қолган.

Қизиқ ҳодиса.

Сейсмолог олим: "Ҳа, бир жойда ғовак ер ўпирилиб, сатҳ пасайгандир-да!" дейиши мумкин.

Ҳа, сатҳ пасайган! Мезон чалкашган.

Демак, уфқ ўлчови юқорилаб кетган. Офтоб тепада анча вақт якка туриб қолган.

Нима бўлган ўзи?!

Зилзила!

Асли, бу — руҳлар саросимаси, ақллар парокандалиги, тафаккур оламининг фарёди, ҳайрат ўзи ёқасини ушлаган пайт.

Ер юзининг сайқали бўлган, Хожа Аҳрор Валийнинг ўз иборалари билан айтсак, "улуғлар роҳат оладиган шаҳар" — Самарқанд азалий сокин, устувор салобатини анчагача йўқотди. Чунки, бу ҳамма замонларнинг пойтахти бўлмиш масканга "сайқали рўйи замин аст" деган илоҳий шукуҳ ва ёруғликни қўша олган Инсоннинг ўзи ҳам оламдан ўтди!

Мусулмон дунёсининг улуғ олими, мутасаввуф донишманди, нақшбандий пирларидан яктоси, эл-юртга фидоийлик ва фақирлик, ҳокисорлигу бадавлатлик, ғарибпарварлигу сарварлик, инсофу тавфиқ, мўғулийлар истибдодига қарши фарёд ила халқ руҳини уйғота билган паҳлавон — ШАЙХ ҲАЗРАТ ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР ВАЛИЙ дунёдан кўз юмган эдилар!

Ернинг саросимага келгани шундан: "Ҳой, мени яратган Тангрим! Бул инсоннинг ҳам тупроғи менман. Аммо, бу зот ҳали замон Ўзинг, малоикларинг қўлловида ҳечса халқига назарини солиб туриши, яшаши керак эди!"

ЗИЁРАТ:

Воҳ-воҳ, не қиёмат замин қўзғолди,
Не бўҳрон оламни ларзага солди?!
Аммо ҳақиқат-чи, Ўлим бу гал жим,
Чек кимга тушганин билгач, уялди!

ТАМҒА (ТОМҒО)

Икки юз йил Мовароуннаҳрни мўнғул жорий этган "тамға" солиғи бирданига икки қуллик, уч асоратга солиб келди.

Бу — (Чингиз қавмига тааллуқли бўлмаганлари учун) "остона ҳатлаб" сиртга чиққанинг, юрганинг, нимаики қилма, бари назоратда, нафас олганинг ва чиқарганинггача — солғут, солиқ, олиқ!

1460.

Валий бир жаҳд билан Ҳиротда пайдо.

Айтадиларки, зарур дамларида, эл оҳу зорига жавоб истаб Валий "тўрт"га бўлиниб, дунёнинг тўрт ҳудудида бирданига тўрт муаммони ечув била машғул бўла олар!

Султон Абу Саид бу ноёб муборак ҳодиса — Валийнинг ўзларини ўз саройида кўриб, эҳтиросга шўнғийди. Аммо...

"Тамға" солиғини бекор қилмоқ?!

Йў-ўқ, хонлар, султонлар, амиру доруғалар нима билан кучли, қудратлидирлар? Не ҳикмат уларни ҳар лаҳза юз минг суворийни майдонга соларга тайёр тутади? (Уруш-саваш чингизийлар учун энг олд номус-ор ҳозирлиги)

"Тамға" — каноридан ошган дарё янглиғ хазина!

Аммо... "Тамға" бекор этилса...

Валий шуни сўраб келибдилар. Ўзлари! Султон ҳузурига шахсан келиб...

"Тамға" бекор қилинди!

Камбағал, бева-бечора, уста-косиб, ҳунарманд, тужжор — савдонинг ҳамма тури, бозорлар икки юз йилдан узоқ истибдод бўғовидан худди узун қаҳратон сўнгида бойчечак кўргандек қутулиб, енгил тин олдилар!

Шарқнинг буюк шоири, Валийнинг дилхоҳ биродари Абдураҳмон Жомий шиддаткор илҳом ила "Туҳфат ул-аҳрор" достонида ёзади:

Валийнинг қалами озод дур тўкди,
Чингиз зулм ясоғин чокидин сўкди.

ХАЛОСКОР РУҲ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. (1483-1530).

Баъзи тарихчилар айтганидек, "бийик империя асосчиси", шоир, олим. Умри "Ватан" деган Фарёдни бошига кўтариб ўтган, яна ўша ўзаро биродаркушлик урушлари юртига сиғдирмай "ҳинд сори" кетган шоҳ, саркарда, шоир!

У Ҳиндистонда пайти оғир касалга чалинади.

Халоснинг бир учқуни-да кўринмасди.

Кундан-кун тубанга тортарди вужуди руҳини кўринмас дард, хаста офат...

Намоз вақти бошини муножотга қўйган чоғи "кўзи уйқуга борибдур". Тушида Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари "аблақ оқ-қора от миниб" келади ва хабар беради: "Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарга келтируб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурмиз. Холо ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридир. Бош кўтаринг, уйғонинг!"

Бобурдан бошқа қанча шоҳу саркардаларга тушида аён бўлиб, тўғри йўл кўрсатгандир бийик Валий.

Бобурга "Волидия"ни туркийга ўгириш ғояси айни шу касаллик — иситма хуружи асноси келади. Каромат кўп куттирмайди.

"Одина куни рамазон ойининг йигирма учида ҳарорат баданимда зоҳир бўлди. Андоқки, жума намозини масжидда ташвиш била ўтадим... Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг "Волидия" рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечти. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, "Кўнглимга кечурдимким, соҳиби "Қасидаи Бурда"нинг қасидаси мақбул тушиб, ўзи афлаж маразидан халос бўлди, мен доғи бу аризадан қутулиб, назмимнинг қабулига далим бўлғувсидир..."

("Қасидаи Бурда" пайғамбаримиз САВга маъқул тушиб, муаллифи Кааб ибн Зуҳайр ҳам дарддан фориғ бўлган!)

Валийни Жомий "каъбаи мақсуд" деса, Алишер Навоий "Тариқат қутби" деб улуғлайди. Бобур уни суюб, меҳр ила "Мулла бобо" дея алқайди.

Валий Бобурнинг кўп ғалабаларига йўл кўрсатади. (Юқорида "Уйғонинг!").

Ҳа, коинот миқёсида фикрлаб, ғайб оламини кафтида кўрувчи Валий яна "Рисолайи ҳавория" ("Хурлар рисоласи"), Фақират ул-офарин" (Доноолар фақирлиги") каби асарлар муаллифидир. (Булар ҳали нашр этилмаган!)

Самарқанд шаҳрининг жанубида — Қарши томон кетадиган йўл устида сокин гўшада Шайх Хожа Аҳрор Валийнинг қабрлари осуда бир сукунатда қўёшланиб ётибди. Бу осойиш файз абадий ҳаракат оқимида эканини зиёратга борсангиз, бир лаҳза лиммо-лим ҳовузни қуршаб ётган чинорлар соясида жим хаёл сурсангиз, сезасиз.

Ватан харитасини дарёлар, сахрою тоғларнинг бўртма сатҳигина эмас, руҳоний нур манбалари каби ёруғ нуқталар ҳам кўркам этади. Кўнглим ҳар гал халоскор руҳ илинжида самимий тиловатларни такрорлар экан, уларнинг номларига камтар тилакларимни йўллар эканман,гўё бир-бирларига кўринмас қудратли нур ипаклари билан боғланган, шу ила юртимни яхлит маҳобатда тутиб турган сиймоларни хаёл кўзгусига соламан: Хожа Аҳмад Яссавий, Занги Ота, Шайх Хованди Таҳур, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Султон Увайс, Юсуф Ҳамадоний, Шайх Нажмиддин Кубро...

Космос қоронғилигидан (бизгагина шундай — қоронғидир балки?!) она ерга қаралса, юқоридаги бийик сиймолар боис, Ўзбекистоннинг харитасини руҳоний юлдузлар товланиши ёритиб турганини кўриш мумкин, деб ўйлайман.

ЗИЁРАТ:

Вақти намоз — кўзлар уйқуга борди:
Ғафлатким муҳитни қуборга қорди!
"Уйғон! Уйғонинглар!" — роз қилди Валий
Ва Дину Иймонни аста Қутқорди!

НАСАБ СИЛСИЛАСИ

Шажара. Насаб дарахти.

На улуғ, на салобатли дарахт бу?!

Томирлари теран, ер ости тинмас дарёлардан сув шимади. Шохлари фазо жимлиги сари тиклангани-тикланган. Томирларига қоҳ ер устида сувга аралаштирилган заҳарлар ёпишади. Шохлари йилдирим, бўронлар забтига дош беради.

Зулм-истибдод даврида, қатағонлар амрида инсон ўз насл-насабини яшириди, чунки туғилган еридан қочиб улгуролмайди. Бир ҳукмдорга беклар ёқмайди, бирининг саййидлар жиғига тегади, яна, яна ва яна... Бири "қора оломон"га ёв, бири оқсуякларни қирғин этади...

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Убайдуллоҳ — исмлари. Лақаблари Аҳрор. Аҳрор пок кишилар лафзида "ҳур", "озод" маъноларини беради.

Туғилган жойлари Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Боғистон даҳасидир. Туғилиш санаси 1404 йил, рамазон ойи (март ёки 18 февраль), Шош — Тошкент.

Отаси Хожа Маҳмуднинг аждоди Муҳаммад Номий Бағдодийга бориб туташади. Х аср. Номий Шошнинг машҳур олими Абу Муҳаммад Қаффол овозасини эшитади, Бағдоддан Шошга келиб турғун бўлади. Хожа Убайдуллоҳнинг отаси шу хонадон фарзандларидан. Бир манбада "ота томонидан улуғ боболари Хожа Муҳаммад Номий бағдодлик бўлиб, аслан Хоразмдандир..." дейилади.

Онаси Хожа Довуднинг қизи. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Таҳурнинг (Шайхонтаҳур) ўғлидир. Шайх Хованди Таҳурнинг отаси Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат, эҳтиромига эришган номдор шайх Умар Боғистонийдир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг болалик ва ёшлик йиллари Тошкентда ўтади.

Унинг қариндошлари орасида каромат эгалари, хуш ахлоқ, кашфиётчи руҳ, соҳиб тафаккур зотлар кўп бўлган. Хусусан, катта оталари Хожа Шаҳобиддин барча хожагон жамоаси намояндалари каби доим фаол меҳнат билан шуғулланганлар. Унинг бебаҳо маслаҳатларини "мушкуллар калити" демишлар.

Кексайиб қолган пайтлари учта набирасини ёнига олдиради, Убайдуллоҳга назари тушган заҳоти унинг "улуғ келажаги"дан башорат қилади.

Она томон — Шайх Умар Боғистонийнинг фарзанди Шайх Хованди Таҳур мусулмон оламида улуғ шуҳрат мартабаларига, зоҳир-ботин илмларда олий даражага эришган аллома.

Шайх Хованди Таҳурнинг нафаслари "овқат пишадиган мақомда" кучли бўлган, лекин ўзларини, ниҳоятда, ҳалим, камтар тутганликлари боис, бу оловнинг ёғдусини кўпчилик кўра билмаган. "Шайх бошларини отащдонга сал яқинлаштирсалар, олов кучайиб шуъласи зўрайиб кетар эди...".

Мана, улуғ шажарадан жажжи ҳикоятлар. Бу қандай нурафшон файз ҳавзасики, асрлар оша, ҳатто энг камтар мушоҳидлар, энг ростгўй ровийлар ҳикоялари қанотида бизга ҳам ета келиб, хаёлот оламимиз, кўнглимиз уфқлари, тафаккур оламимизни равшан торттирса!

Шайхнинг насиҳат, ҳикматларидан Хожа Аҳрор Валий кўп баҳраманд бўлган, амал қилган.

"Юзингни душмандан ўгиргин, қўлингни назру ниёз сўраб чиқишдан зинҳор сақла! Уларга не ҳожат, ахир?! Қара, маърифатга чорловчи хитобу шиорлар нақадар кўп. Ушбу маориф ва маърифатдан фойдалан!"

Шайхга таянч, қалқон, ҳамроҳ, елкадош бўлган бийик қариндош раҳнамолари, уларнинг саховати, кароматли дониши тасаввуф чўққилари сари йўлловчи, мангу даъват бўлганлар.

Валий "илми ладун", яъни, илоҳий билимлардан завку ҳузур олиш шарафига Боғистонда ўтган ёшлик йиллари эриша борди.

Авлодларидаги поклик, зоҳидлик ҳосиласи ўлароқ, илоҳий қиёфаларни кўриш, бу шараф қаноати, миннатдорлиги юзасидан дуои ибодатга киришиб, бундан илоҳий лаззат-ҳузур топадиган бўлди.

"Рашахот"да таъкидланганидек:

"Ул ҳазрат саодат юзини ва Яратган эгамнинг

бахт юлдузли жамолини ўша ерда, Боғистонда кўрдилар. Ҳақ таолонинг иноятн ҳаклигига шунда аниқ ишондилар. Ул зот кўзи олдида Илоҳий тажаллиёт рўйи рост кўринди..."

Валий бу илоҳий рўёблиғдан мутаассир бўлиб, дуо қилдилар:

Юлдузнақш хаттингиз ўқиб санолар айтдим,
Фаришта чеҳрангиз кўриб, дуолар айтдим.

Биз эса, ул зотга абадий дуода бўламиз, янги бир мужда, иқтибос, тумордек мўъжаз мактуб, ҳечса бировлар орқали замонлар, давронлар оша фурсат кабутари етказадиган лутфларига муштоқмиз. Кутамиз, мўъжиза юз беришига ишонамиз.

ЗИЁРАТ:

Эй; дарахт, таништир юлдузинг билан,
Ердан не излайсан илдизинг билан?!
Хўбдир еру кўкдан чин хабардорлик,
Қачон сўзлашасан, айт, бизим билан?!

ОҚ ЧАВАНДОЗ

Ана у, оқ отда, бошдан-оёқ оқ ридо кийган баҳодир! Кўйлагининг чап ва ўнг елкаларида кўкяшил рангда арабча "нун" ҳарфи тикилган.

Бу — 1453 йилнинг 29 май — жума куни Истанбул остоналаридан туркий қўшинлар кофирлар билан жанг қилиб ғалабага эришган, Истанбулни озод этган кун содир бўлди.

Турк султони Муҳаммад II ўз ҳужумларининг фойдасиз бўлаётганидан хуноб — шаҳарни узоқ қамал этишга ҳам тайёр эди. Аммо... шу соатда оқ отли, оқ ридоли, афсонавий келбатли жангчи... қайдан келди?! Унинг "Озод! Ҳур қавм! Зафарга бир қадам! Ханжар дастаси — ғаним қабзасида!" ҳайқириғидан Султон қўшинида гўё қанот пайдо бўлади...

Баҳор гулдираги, кескин эпкин чавандоз юзидан ҳижобни парпиратиб очади. Ҳушёр Султонни бу файзиёб сиймо шу қадар ларзага келтирадики, тасаввурида ўрнашиб қолган илоҳий чеҳрани рассомларга обдон чиздиради ва бошқа юртларга очиқ-пинҳон чопарлар йўллайди.

Самарқанд. Жума. 29 май. 1453 йил. Валийни тонгдан ўз ҳужрасида тополмаган мурид-шогирдлар ҳайрон — чор тарафга от суриб кетадилар.

Қарши йўлида — чап томондаги тоғлар тирсагини айланиб ўтаётиб, Жом қишлоғи жанубида, баландликда, кунботарга қараб бирданига икки қўлида қилични ўйнатиб, кимлар биландир жанг қилаётган Шайхни кўриб қоладилар.

Шайхнинг "олишув" ҳаракатлари шу қадар шиддатли эдики, ҳойнаҳой, неча юз минглик ёв билан эътиқод-иймон йўлидаги "жиҳод"га кирган эди! Аммо ёв қўшини кўзларга кўринмасди.

Бу — Валийнинг ҳатто яқинлашаётган муридларини ҳам пайқамай киришган тилсим муҳорабаси эди.

У бирдан ўзига келди, отдан тушиб бир тошга ўтирганча, толиқиб узоқ ўйга толди. Икки қилични ерга шундай қўйдики, араб алифбосидаги "нун" ҳарфи ўқилди. Бу — нақшбанд тариқати Фидойилик зикри — Ҳақ суврати дилда, иш, ижод, бунёдкорлик учун имкон аснолари эди.

Самарқандга қайтдилар. Мотуруд қишлоғига яқинлашиб, Абуллайс маҳалласидан эндигина ўтганларида Султон Муҳаммад II нинг махфийи Валийни кўриб, ҳайрон қотиб қолди. Қўлтиғидан Валийнинг сиймоси шарҳини чиқаришга уринди.

"Қўябер, — жилмайиб чопарни тўхтатди Валий. — Сен излаётган одам — менман! Зарур асно Султон лашкарининг илғорида мен бордим! Энди Султонингизга навбат — халқининг ҳимоясига кўкрак кериб, бори ҳунарманд, косибу тужжор, бунёдкор элга ҳимоятда бўлсин! Тараққийнинг бош меъмори, устувор таянчи ўзи бўлсин! Келтирган қимматбаҳо ҳадянгизни қайта олиб кетинг! Кимки худонинг хоҳишига кўра бажарган ишига мукофот талаб қилса, у худонинг бандаси эмас..."

ЗИЁРАТ:

Мингтадан бир жонни ул доно Ҳакам
Истеъдод нури-ла этар мукаррам.
Инсон бу неъматни муҳтарам айлаб,
Баҳраманд этса шарт бошқаларни ҳам!

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 22-00

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 770. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.